

BOSH MUHARRIR:
Mahmud TOIROV

TAHRIRIYAT KENGASHI A'ZOLARI:

Ravshan MAMUTOV,
O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi
Qonunchilik palatasi Agrar va suv
xo'jaligi masalalari qo'mitasi raisi

Aziz VOITOV,
O'zbekiston Respublikasi
Qishloq xo'jaligi vaziri

Aktam XAITOV,
O'zbekiston Fermer, dehqon xo'jaliklari
va tomorqa yer egalari kengashi raisi

Akrom ALIMOV,
"Tadbirkorlik va fermerlikni qo'llab-
quvvatlash" markazi direktori

Sirojiddin RUSTAMOV,
"Agro Biznes Inform Tahririyati"
MCHJ rahbari, Turon FA faxriy a'zosi,
O'zbekiston Jurnalistlar uyushmasi a'zosi

Fayzullo TOJIQULOV,
O'zLiDeP Toshkent viloyati Chinoz tuman
Kengashi rahbari

Bosh muharrir o'rinbosari
Asror MO'MINOV

Mas'ul kotib:
Baxtiyor ESANOV

Dizayner:
Ramazon RUSTAMOV

Musahhih:
Jo'rabek SIROJIDDINOV

Viloyat muxbirlari:
Qoraqalpog'iston Respublikasi va
Xorazmda
Shukurjon JABBOROVA

Sirdaryo va Toshkentda
Farmina G'ayratova

Nashr O'zbekiston Respublikasi
Oliy attestatsiya komissiyasi Rayosatining
2020-yil 31-dekabrda 290/10-sonli
qarori bilan Oliy attestatsiya
komissiyasining ilmiy jurnallar ro'yxatiga
olingan.

Jurnal 2005-yildan buyon chiqa boshlagan
The journal has been published since 2005

№2 (167) 2023

TAHRIR HAY'ATI RAISI :

Zafar ISKANDAROV,

Turon FA vitse-Prezidenti, t.f.d., professor

TAHRIR HAY'ATI A'ZOLARI:

Ibrahim DILER,
Isparta Amaliy fanlar universiteti rektori, professor (Turkiya)

Kamoliddin SULTONOV,
Toshkent davlat agrar universiteti ilmiy ishlar bo'yicha prorektori
Durbek MAXKAMOV,
Toshkent davlat yuridik universiteti "Ekologiya huquqi" kafedrası prof.v.b. yuridik
fanlar nomzodi

Temirjan AYTBAEV,
Qozog'iston Milliy FA akademigi, Qozog'iston Milliy agrar universiteti Meva-
sabzavotchilik va yong'oqchilik kafedrası mudiri, q.x.f.d.

Bekmurat TURDISHEV,
Qoraqalpog'iston dehqonchilik ilmiy-tadqiqot instituti direktori, q.x.f.f.d

Shuxrat BOBOMURODOV,
Tuproqshunoslik va agrokimyo ilmiy-tekshirish instituti direktori, b.f.d.

Ravshanbek SIDDIQOV,
Don va dukkakli ekinlar ilmiy-tadqiqot instituti direktori, q.x.f.d, Rossiya FA akademigi

Baxrom MADARTOV,
Samarqand VMI Toshkent filiali direktori, q.x.f.d, professor

Safar ALIQULOV,
O'simliklar genetik resurslari ilmiy-tadqiqot instituti direktori, q.x.f.f.d.

Bekmurod HAYDAROV,
Lalmikor dehqonchilik ilmiy-tadqiqot instituti direktori, q.x. bo'yicha f. d.
Usmon NORQULOV,
ToshDAU, Dehqonchilik va melioratsiya kafedrası professori, q. x. f. d.

Erkin BERDIYEV,
ToshDAU, Manzarali bog'dorchilik kafedrası professori, q. x. f. d.
Rajabboy DO'STMURODOV,
ToshDAU, Buxgalteriya hisobi va audit kafedrası professori, i.f.d

Mansur YULDASHOV,
ToshDAU, Baliqchilik kafedrası professori, biologiya fanlari doktori
Asqarbek SAFAROV,
ToshDAU, qishloq xo'jaligi fanlari bo'yicha falsafa doktori, dotsent
Alevtina KOJEVNIKOVA,
ToshDAU, biologiya fanlari doktori, professor
Abdullo MADALIEV,
ToshDAU, iqtisod fanlari doktori, professor
Abdunabi FATXULLAEV,
ToshDAU, qishloq xo'jaligi fanlari doktori
Sirojiddin JO'RAYEV,
ToshDAU Qishloq xo'jaligi ekinlari seleksiyasi va urug'chiligi kafedrası mudiri

Murod RAXMANKULOV,
ToshDAU, Qishloq xo'jaligi ekinlari genetikasi, seleksiyasi va urug'chiligi kafedrası
professorı, q.f.d
O'ktam QO'LDOSHEV,
Samarqand davlat chet tillar instituti Tarjima nazariyasi va amaliyoti kafedrası mudiri
(PhD)

Qaxramon SHAKIROV,
ToshDAU, "Umumiy zootexniya" kafedrası professori, q.x.f.d
Dilmurodjon HAKIMOV,
ToshDAU, "Qishloq xo'jaligi mahsulotlarini standartlashtirish va sertifikatlash"
kafedrası dotsenti
Mamur JUMASHEV,
ToshDAU, Qishloq xo'jaligi ekinlari genetikasi, seleksiyasi va urug'chiligi kafedrası
dotsenti

Iroda BAKIEVA,
Toshkent moliya instituti Iqtisodiy xavfsizlik kafedrası professori v.b., i.f.d.

Erkinjon BOTIROV,
Toshkent moliya instituti "Iqtisodiy xavfsizlik" kafedrası dotsenti, i.f.n.

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига

ҚАДРЛИ ДЎСТЛАР!

Бугун юртимизда кенг нишонланаётган Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан сиз, азизларни, муҳтарам фахрийларимизни чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Бу айём нафақат ўз ҳаётини шу соҳага бағишлаган фидойи инсонлар, балки уларнинг машаққатли ижод ва меҳнат маҳсулидан баҳраманд бўладиган миллионлаб муштарийлар, тингловчи ва томошабинлар, бутун жамиятимиз учун ҳам қадрлидир.

Мана шундай кунларда миллий матбуотимизнинг тамал тошини қўйган жадид боболаримизнинг: “Матбуот фикрлар тилмочи, миллат ва эл-юрт ривожини йўлида хизматчи, одамлар онгу шуурининг қуёши, ҳар кимнинг виждонига тутилган кўзгу бўлмоғи лозим” деган фикрлари ҳозирги кунимиз учун ҳам ғоят муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлашимиз табиийдир.

Маърифатпарвар аجدодларимизнинг бу олижаноб орзу-интилишлари фақатгина мустақиллигимиз туфайли рўёбга чиқди.

Кейинги йилларда юртимизда рўй бераётган тарихий ўзгаришлар натижасида оммавий ахборот воситаларини эркин фикр минбарига, халқимиз манфаатларининг фаол ҳимоячисига айлантириш учун мустақкам ҳуқуқий замин, ижтимоий муҳит яратилди.

Биз мамлакатимизда сўз ва матбуот эркинлигини, ахборот олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқини таъминлаш масаласини инсон қадрини улуғлаш, демократик жамият ва халқпарвар давлат қуришга қаратилган тараққиёт стратегиямизнинг муҳим ва ажралмас қисми деб биламиз.

Янгиланган Асосий қонунимизда ушбу йўналишдаги конституциявий қоидалар янада мустақкамлаб қўйилгани бу борадаги сазой-ҳаракатларимиз бардавом эканини кўрсатади.

Ҳозирги кунда юртимизда 2140 та ёки 2016 йилга нисбатан 626 та кўп оммавий ахборот воситаси фаолият юритмоқда. Уларнинг 65 фоизи нодавлат медиа воситалари экани соҳада таркибий ўзгаришлар изчил амалга оширилаётганидан далолат беради. Анъанавий нашрлар билан бирга интернет нашрлар ҳам жадал ривожланиб, уларнинг сони 745 тага етгани ва ўқувчилар оммасини тобора кўпроқ ўзига жалб этаётганини қайд этиш лозим.

Давлат идоралари ва маҳаллий ҳокимликлар таркибида ахборот хизматлари йўлга қўйилгани халқ билан мулоқотни кучайтиришга сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлиги, шаффофлиги ва ҳисобдорлигини таъминлаш, уларнинг очиқлик борасидаги самарадорлик кўрсаткичларини белгилаш ҳамда илғор халқаро стандартлар асосида баҳолаш тизими жорий этилди. Жумладан, яқинда биринчи марта ўтган йил якунларига кўра, давлат органлари ва ташкилотларида амалга оширилган ишларни баҳолаш бўйича Очиқлик индекси натижалари эълон қилингани бу йўлдаги муҳим қадам бўлди.

Мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари халқаро ахборот маконига ҳам дадил кириб бормоқда. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамда бир қатор хусусий телестудияларнинг кўрсатувлари жаҳоннинг 100 дан ортиқ давлатларига узатилмоқда. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, “Дунё” ахборот агентлиги ўз хабарларини 10 та хорижий тилда тарқатмоқда.

Кейинги вақтда юртимизда китобхонликни оммалаштиришдек эзгу ишга нашриёт-матбаа соҳаси ходимлари ҳам муносиб ҳисса қўшаётганини алоҳида эътироф этиш лозим. Сўнгги йилларда республика нашриётлари томонидан 132 миллион нусха бадий китоб ва бошқа адабиётлар чоп этилгани китобсевар халқимиз, авваламбор, ёшларимизнинг онгу тафаккурини юксалтиришда муҳим роль ўйнаши шубҳасиз.

Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ушбу соҳа учун уч йил муддатга даромад солиғи бўйича имтиёзлар берилгани уларнинг иқтисодий ҳолатини барқарорлаштиришда катта мадад бўлмоқда.

Азиз дўстлар!

Бугунги шиддатли даврнинг ўзи барча соҳалар қатори ахборот йўналишида ҳам олдимизга ўта долзарб вазифаларни қўймоқда.

Ҳозирги вақтда ер юзининг турли бурчакларида юз бераётган, барчамизни ташвиш ва хавотирга солаётган воқеаларни ҳисобга оладиган бўлсак, глобал дунёда ахборотлашув жараёнларининг таҳдидли жиҳатлари ҳам борлиги ва улар тобора кучайиб бораётганидан қўз юмолмаймиз.

Дунёнинг айрим минтақа ва ҳудудларида оммавий ахборот воситалари муайян сиёсий кучлар қўлида информацион урушни авж олдиришга, жамоатчилик фикрини чалғитишга, оқни – қора, қорани – оқ деб кўрсатишга хизмат қилаётганини афсус билан қайд этишга тўғри келади.

Ахборот маконидаги устунлик кўп нарсани ҳал этадиган бугунги мураккаб вазиятда халқимиз сиз, азизларни демократик матбуотнинг асосий шarti ва талаби бўлган холислик, ҳаққонийлик, миллий манфаатларимизга содиқлик каби принципларга амал қилиб, ўз билим ва салоҳияти, ўткир қалами ва ҳароратли сўзи билан жамоатчиликка ижтимоий жараёнлар моҳиятини англаб етишга кўмаклашадиган, уларни бузғунчи ахборот хуружларидан ҳимоя қиладиган фидойи инсонлар деб билади.

Биз жамият ҳаётида учраётган камчилик ва муаммоларни бартараф этиш, бюрократия ва коррупция каби иллатларга қарши курашишда, аввало, сиз ҳурматли журналист ва блогерлар, айниқса, миллий медиа маконимизга янги ғоя ва ташаббуслар билан кириб келаётган истеъдодли ёшларимизга таянамиз.

Шу боис кенг миқёсда фикрлайдиган, она тили билан бир қаторда хорижий тилларни, ахборот технологияларини пухта ўзлаштирган, юксак малакали, ватанпарвар журналист кадрларни тайёрлаш масаласига устувор аҳамият қаратилмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети, Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Тошкент давлат шарқшунослик университети, Қорақалпоқ давлат университети, Бухоро давлат университети каби таълим муассасаларида журналистика йўналиши бўйича юзлаб мутахассислар тайёрланаётгани ҳам шундан далолат беради.

Ушбу олий таълим даргоҳларида талаба ёшларимиз босма оммавий ахборот воситалари ва ноширлик иши, аудиовизуал журналистика, интернет журналистикаси ва менежменти, медиа назарияси ва амалиёти, ҳарбий ва спорт журналистикаси, рақамли медиа, халқаро муносабатлар сингари йигирмадан зиёд таълим йўналишлари бўйича юқори малакали профессор-ўқитувчилардан маҳорат сирларини ўрганаётгани айниқса эътиборлидир.

Биз Янги Ўзбекистоннинг янги журналистикасини яратиш вазифасини ўз олдимизга қўйган эканмиз, бу борадаги миллий анъаналаримиз билан бирга ривожланган давлатлар тажрибасини ҳам ҳар томонлама ўрганишимиз, оммавий ахборот воситалари бўйича дунёдаги етакчи олийгоҳлар, нуфузли халқаро ташкилотлар ва медиа компаниялар билан ҳамкорлик алоқаларини янада кучайтиришимизни ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда.

Шу сабабли оммавий ахборот воситаларини изчил ривожлантириш бундан буён ҳам эътиборимиз марказида бўлиб қолади.

Бу соҳада олдимизда турган вазифаларни аниқ белгилаб олиш ва амалга оширишда ҳозирги вақтда Ўзбекистон Журналистлари уюшмаси томонидан тайёрланаётган Миллий маъруза катта амалий аҳамият касб этади, деб ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, давлатимиз ва жамиятимиз оммавий ахборот воситалари ходимларининг иш ва турмуш шароитларини яхшилаш, уларнинг машаққатли ва масъулиятли меҳнатини рағбатлантириш, соҳанинг моддий-техник ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш учун зарур ёрдам кўрсатишга тайёр эканини яна бир бор таъкидлайман.

Сизларни қутлуғ касб байрамингиз ҳамда яқинлашиб келаётган улуғ айём – Қурбон ҳайити билан табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, ижодий фаолиятингизда янги ютуқлар, хонадонларингизга бахт-саодат ва файзу барака тилайман.

Шавкат Мирзиёев,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ҚОЗОҒИСТОН ЧИҚИШНИ ИСТАЁТГАН КЕЛИШУВ ВА ЎЗБЕКИСТОН УЧУН КУТИЛМАЛАР — СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИ БИЛАН ИНТЕРВЬЮ



Қозоғистон 2023 йил охиригача Қирғизистон ва Ўзбекистон билан Сирдарё ҳавзаси ресурсларидан фойдаланиш бўйича келишувни ўзгартиришни режалаштирмоқда.

Kun.uz мухбири Қозоғистоннинг бу режаси нимани англатиши ва унинг Ўзбекистон учун оқибатлари борасидаги саволлар билан Сув хўжалиги вазири Шавкат Ҳамроевга юзланди.

— Қозоғистон 2023 йил охиригача Қирғизистон ва Ўзбекистон билан Сирдарё сув ҳавзаси ресурсларидан фойдаланиш бўйича келишувни ўзгартиришни режалаштирмоқда. Бу нима дегани ўзи ва унинг натижаси Ўзбекистон учун қандай таъсир қилиши мумкин?

— Халқимизда янгисини қурмай, эскисини бузма, деган гап бор. Марказий Осиёда сув бўйича кўп келишувлар бор, шуларга амал қилиш керак. Баъзиларини такомиллаштириш ҳам лозим.

Қозоғистон Сирдарёнинг қуйи қисмда жойлашган давлат. Бунинг таъсирида эса сув тақчиллиги уларга кўпроқ сезилади. Йилдан йилга сув масаласи қийинлашиб бораётгани сабабли улар ҳам ўз манфаатларини ўйлаяпти. Тушунса бўлади буни.

Сиз айтган сув келишуви аслида 1998 йилда тузилган. Аммо келишув ўша вақтда 2-3 йил ишлаб, кейин умуман ишламай қўйган. Йилдан йилга шартлар бузилиб борган. Бу келишув учала давлат расмийлари томонидан тасдиқланса тўхташ мумкин. Қозоғистон эса бу келишувни

такомиллаштиришни, ишлатишни хоҳлаяпти. Баъзи масалалар борки, учала давлат ҳам амал қилиш керак.

Биз Қирғизистонга қишда электр бериш ҳисобига сувни ўзимизда сақлаб қоламиз. Ёзда эса электрни қайтиб оламиз. Бу ҳам келишув бандларидан бири. Айрим масалаларда 3-4 йилдан бери Қозоғистон билан мулоқот қиляпмиз. Агар қандайдир келишув бўлса, Ўзбекистон томони учун ҳам фойдали бўлади, бир томон манфаати кўзланмайди фақат.

— Биз шартномани ўзгартириш ҳақида қанча гапирмайлик, у ҳақда содда қилиб гапирганда, бугун Қозоғистоннинг мақсади — кўпроқ сув олиш, аниқ масала бу. Хўш, қозоқлар қанча сув олмоқчи-ю ва улар кўзлаган миқдор биз учун қанчалик хавотирли?

— Совет иттифоқи даврида Сув хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланган схемалар бор Амударё ва Сирдарё учун алоҳида. Иттифок тарқалгач, мустақил давлатлар 1992 йилда келишувларга амал қилиш бўйича шартнома имзолашган. Ҳозиргача бу лимитлар амал қилади. Баъзида Қозоғистонга кўпроқ сув ўтиб кетяпти. Ўша сувдан Ўзбекистонга қолдириш керак. Айдаркўл ва шу каби муаммоларимиз бор. Ҳар ким ўзига тортиб, мувофиқлаштириш қийин бўляпти. Биз ҳам Ўзбекистон манфаатини кўзлаб ҳаракат қиламиз. Шу билан бирга қўшни давлатлар манфаатини ҳам ҳисобга оламиз. Халқаро мулоқотда ҳам биринчи навбатда Ўзбекистон манфаатини кўзлашимизни, лекин уларнинг манфаатини ҳам ҳисобга олишимизни очик айтаман ўзим.

— Ҳа, биз биздан олдинроқда қазиб олинаётган каналлар ёки ўзгарадиган шартномалар ҳақида қанча гапирмайлик, лекин ўзимиздаги мавжуд, олаётган сувимизни, жуда катта миқдордаги сувимизни исроф қилаётганимиз ҳам бор гап. Бугун дарё-каналлардан экин ерларига етиб боргунча 40-45 фоиз сувимиз йўқотиляпти. Чўлли минтақаларда рақамлар бундан анча катта ва қўрқинчли.

Умуман, ҳаракатларимизни сув йўллариини бетонлаштириш ва шу орқали сув исрофини камайитиришга қаратиш ҳам катта самара беради.

— Нега бу борада ҳаракатларимиз сезилмаяпти?

— 2030 йилгача концепциямиз ва 3 йиллик стратегиямиз бор. Бу борада янада фаол ишлаб, тегишли идоралар билан дастурларни қайта кўриб чиқяпмиз. Сув исрофи бор масала. Лекин тўхтаб қолганимиз йўқ. Катта-катта каналлар бетонлаштириляпти, насос станциялар таъмирланяпти. Ҳозир 1 йилда 200-300 км канал бетонлаштириляпти.



— Балки сизда ҳукуматдан маблағ етарли эмасдир?

— Бу муаммо ҳам бор. Агар ҳозиргидан 4 баробар кўп пул берилса, 10 йиллик вазифамизни 2-2,5 йилда бажариб қўярдик. Лекин тўғри тушунамиз, бошқа соҳаларга ҳам пул керак. Имкон қадар бизга ҳам маблағ ажратиляпти. Кейинги йилларда чет эл инвестициялари жалб қилинади, ЖБ ва Осиё тараққиёти банклари ҳам буни айтиб ўтди.

Баъзилар Ўзбекистоннинг ташқи қарзи ортиб кетяпти дейди. Лекин каналларни бетонлаштириш, насос станцияларини таъмирлашга бюджетдан берилаётган пул етарли бўлмайди. Халқаро кредитлар имтиёзли бериляпти бизга. Ҳозир Хоразмдаги каналларни бетонлаштиришнинг иккинчи босқичини бошламоқчимиз. Сурхондарёда насос станциялари олиниб, ўз оқими билан сув билан таъминладиган бўлиб, каналлар бетонлаштирилди. Фарғона водийсида ҳам 140 млн долларлик катта лойиҳалар амалга ошди. Қорақалпоғистондаги каналлар бетонлаштириляпти. Лекин тўғри танқид қилиняпти бу масала ва тўғри қабул қиламан мен ҳам. Биздаги суғориш тармоқлари умумий 180 минг кмни ташкил этади. Шулардан 27 минг километри катта каналлар бўлса, йилига 1,5-2 минг км бетонлаштирилса, тезроқ мақсадга эришамиз. Ҳозир 300-400 км бетонлаштириляпти.

Ил'ос Сафаров суҳбатлашди.



ХАЛҚАРО ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ УНИВЕРСИТЕТИ (INTERNATIONAL AGRICULTURE UNIVERSITY - IAU)



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-237-сонли фармони билан 2022 йилда Қирол Чарлз ҳомийлигида фаолият юритаётган Британиянинг таниқли таълим муассасаси Қироллик қишлоқ хўжалиги университети билан ҳамкорликда ташкил этилган. Халқаро қишлоқ хўжалиги университети битирувчилари Тошкентда нафақат илғор билим ва кўникмаларга, балки Британиянинг нуфузли университети дипломига ҳам эга бўладилар. Халқаро қишлоқ хўжалиги университети (INTERNATIONAL AGRICULTURE UNIVERSITY - IAU) агрологистика, агроиқтисодиёт, озиқ-овқат хавфсизлиги ва ақлли ва барқарор қишлоқ хўжалиги бўйича таълим дастурларини тақдим этади.

Дарслар инглиз тилида олиб борилади ва профессорларнинг аксарияти хорижлик

мутахассислардир. Бугунги кунда университетда АҚШ, Канада, Буюк Британия, Полша, Мексика, Ҳиндистон каби давлатлардан ўн нафар хорижлик профессорлар фаолият кўрсатмоқда. Талабалар ўқиш давомида эгаллаган билимларини хорижий илмий тадқиқот институтлари билан ҳамкорликда амалиёт ўташ имкониятига ҳам эга бўлишади.



IAU ректори, Др. Мунира Аминова шундай деди: “Халқаро қишлоқ хўжалиги университети Марказий Осиёда қишлоқ хўжалигида салоҳиятни ошириш, тадқиқот ва инновациялар соҳасида миллий ва минтақавий етакчига айланишни мақсад қилган. Биз Ўзбекистон



IAU
INTERNATIONAL AGRICULTURE UNIVERSITY



In partnership with

**Royal
Agricultural
University**



Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан яқиндан ҳамкорлик қилишдан мамнунмиз". Др. Аминова тажрибали олима, аввал Брюсселдаги етакчи университетлардан бирида ўз фаолиятини олиб борган ва айти пайтда Европа Иттифоқи ва Жаҳон банки дастурларида иштирок этади.



Университет битирувчилари, агро озиқ-овқат саноати менежери, логистика опера-

тори, экспорт ва импорт бўйича мутахассис, агро озиқ-овқат муҳандиси каби XXI асрда талаб юқори бўлган касблардан бирини танлаб нуфузли Британия дипломи билан ўз фаолиятларини олиб бориши мумкин.

2022-2023 ўқув йилида университет Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан тақдим этилган грант ўринларига ҳужжат топшириш учун ноёб имкониятни тақдим этди. Университетга 800 дан ортиқ аризалар келиб тушди, улардан 168 нафари биринчи курс талабалари сифатида танланди. ИАУ 2023-2024 ўқув йили учун абитуриентларга 200 дан ортиқ грантлар таклиф қилади.



Халқаро қишлоқ хўжалиги университети ва қабул жараёни ҳақида тўлиқ маълумотни [хтttp://www.iau.uz](http://www.iau.uz) сайти ёки университет билан +998 99 981 09 19 телефон рақами орқали боғланишингиз мумкин.



ИСТИҚБОЛЛИ БУҒДОЙ НАВЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ ЙЎЛИДА

Нурилло РАҲМАТОВ,

Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институтининг Наманган илмий-тажриба станцияси директорининг илмий ишлар ва инновациялар бўйича ўринбосари.



маҳсулдор бўлишига эришиш, тупроқни унумдор бўлишини таъминлаш ва маҳсулот етиштиришга кетадиган ҳаражатлар миқдорини камайтириш учун бажариладиган агротадбирлар сони ва ҳаражатларни камайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Экинларнинг ўсиб-ривожланиш жараёнини ҳамда тупроқдаги агрофизик ҳолатни ўрганиш диққат марказимизда бўлди.



Жамоамизнинг асосий вазифаси ғалланинг янги нав уруғларини синовдан ўтказиш, истиқболли навларни етиштириб, тажриба сифатида фермер хўжаликлариغا етказиб беришдан иборат. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун ихтиёримизга 146 гектар экин майдони берилган. Айни пайтда мазкур майдоннинг 60 гектари ғаллани кўпайтириш кўчатзори ҳисобланади. Яъни бу ерда «Супер элита» навли буғдой тури парваришланиб, уруғликни фермерларга тарқатиш учун тайёрлаш йўлида сидқидилдан меҳнат қилинмоқда. 13 гектар майдонда эса 1-2 йил кўпайтириш кўчатзори ҳамда 39 хил экология навлари етиштирилади. Шунингдек, ерларни алмашлаб экиш учун 65 гектар ерда пахтанинг «С-8295» нави, 2 гектарда шоли, 3 гектарда соя ва 2 гектар майдонда беда парваришланмоқда.

Ўтган давр мобайнида жамоамизда бир қатор илмий-тадқиқот ишлари самарали олиб борилди. Хусусан, 2022 йилда давлат реестрига киритилган навларни районлаштириш ва истиқболли деб топилганларини омалаштириш учун чуқур илмий изланишлар устида тизимли ишланди. Айниқса, қишлоқ хўжалик экинларининг юқори

Буғдойнинг янги ва истиқболли навларини вилоятнинг тупроқ иқлим шароитида ўсиб ривожланиши, уларнинг шароитга мослашувчанлиги, ҳосилдорлик даражаси, касаллик ва ҳашаротларга чидамлилиги ҳамда сувга, минерал ўғитларга бўлган талабларини ўрганиш мақсадида тажриба-даламизга 39 турдаги кузги юмшоқ буғдойларининг уруғлик донлари илмий методика асосида экилди ва парвариш қилинди.

«Бобур», «Асп», «Ёғду», «Алексиевич»,



«Андижон-4», «Антонино», «Звезда», «Васса», «Первица» сингари маҳаллий ва хорижий навларнинг суғориш, минерал ўғитлар ҳамда биостимуляторлардан таъсирланиш жараёни обдон кузатилди ва тегишли хулосалар билдирилди. «Алексиевич», «АСР», «Давр», «Антонина», «Васса» каби буғдой навларининг вилоятимиз тупроқ-иқлим шароитида унвчанлик, ривожланиш ва ҳосил тўплашда бир қанча устунлик томонлари намоён бўлди.

Натижада синовдан муваффақиятли ўтган навлардан «Аср», «Васса», «Навбаҳор», «Нодир», «Алексиевич», «Давр», «Антонино» ғаллани юқори авлодли уруғликлари 2023 йил ҳосили учун фермер хўжаликларига етказиб берилди.

Сир эмас, бу йилги қиш одатдагидан анча совуқ келди. Айниқса, январь ойида ҳаво ҳарорати аввалги йиллардагига нисбатан ниҳоятда паст бўлди. Шундай об-ҳаво шароитида ғалла майсалари нобудгарчилигининг олдини олиш жуда муҳимлигини назарда тутган ҳолда вилоят ҳокимлиги томонидан тузилган махсус гуруҳ февраль ойидан бошлаб туманларга чиқди ва қишлоқ хўжалиги экинларининг аҳволи билан яқиндан танишилди. Гуруҳ таркибидаги ходимларимиз ҳам ғалла майдонларини айланиб, фермер хўжаликлари ҳамда кластер корхоналари раҳбарларига муҳим агротехник тадбирларни амалга ошириш юзасидан зарурий тавсия ва тушунчалар бердилар. Шунингдек, кўргазмали семинарлар ўтказилиб, ердан самарали фойдаланиш йўл-йўриқлари илмий асосланган ҳолда тушунтирилди.

Маълумки, сўнгги йилларда мамлакатимизда барча соҳаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қишлоқ хўжалиги тармоқларини тараққий эттириш, соҳани юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш давлатимиз раҳбарининг

диққат марказида турибди. Бу борада Президентимизнинг қатор қарорлари қабул қилинган. Ана шундай муҳим ҳужжатлардан бири — Президентимизнинг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти ҳамда Тошкент давлат аграр университети Самарқанд филиали билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатганмиз. Яъни бакалавр ва магистр босқичида таълим олаётган талабларнинг ўқув жараёни жадвалига асосан амалиётларини станциямизда ўташларини таъминлашга киришганмиз. Умид қиламизки, йўлга қўйилажак бу ҳамжиҳатлик ҳадемай ўз самарасини беради. Чунки назариёт билан амалиёт уйғунлиги таъминланган, кадрлар салоҳиятига эътибор кучайтирилган жойда, шубҳасиз, ривожланиш ҳар томонлама жадаллашади.

Қишлоқ хўжалиги мамлакатимизда халқ хўжалигининг асосий тармоқларидан бири ҳисобланади. Вилоятимизда ҳам аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноатни хомашё билан таъминловчи мазкур бош бўғинни тараққий топтириш, соҳага илғор технологияларни татбиқ этишга кейинги йилларда эътибор янада ортиб бормоқда. Жумладан, қишлоқ хўжалиги экинларининг истиқболли навларини етиштириш ва уларни амалиётга қўллашга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Шундай пайтда мазкур йўналишда фаолият кўрсатаётганлигимиздан биз ҳам фахрланамиз ва бор куч ҳамда имкониятларимизни соҳа тараққиёти учун сарфлайвераимиз.

МОВИЙ ДЕНГИЗИМНИНГ ИККИНЧИ УМРИ

Болалигимдаги манзаралар гоҳ-гоҳ кўз олдимда гавдаланади. Отам билан Амударё бўйларига, қадим Мўйноққа тез-тез бориб турардик. Шовотдан тонгда йўлга чиқсак кундузда жилваланиб турган денгиз бўйларига етиб борардик. Мўйноқ балиғидан олиб келишга борганимизни эслайман. Кўз олдимда ястаниб мовий осмонга қўшилиб кетган мовий тўлқинларга маҳлиё боқардим. Шундай гўзал эдики, илк бор мовийликни шу ерда ҳис қилдим. Сокинликка сабоқ бериб турган, бағрида турли жонзотларни асраган бу мовийлик, она юртимнинг жилоси, жилваларидан бири эди. Кемалар қирғоққа урилиб, тўкиб кетган хирмондаги ҳар ҳил балиқларни машиналарга юклашар, бу турфа балиқларнинг қуруқликдаги типирчилашини кўриб уларни мовийликка қўйиб юборишни жуда истаган эдим.

Орол қадимий денгизлардан бўлиб, катталиги бўйича дунёда тўртинчи ўринни эгаллаган. Бой табиий захиралари билан машҳур бўлган, бу биологик бой муҳитда ўсимлик ва ҳайвонот оламининг ҳилма-ҳиллигидан кўпчилик эътиборини тортган уммон эди.

Йиллар ўтди, бу кунлар ортда қолди. У даврларни Оролнинг биринчи умри дегим келади. Келинг, қадим замонларга бир зум ҳаёлий саёҳат қиламиз. Қадимда Оролнинг Шарқий қисмида массагет, сак қабилалари, жанубида угар қабиласи яшаб, чорвачилик, балиқчилик, деҳқончилик билан шуғулланган эканлар.

Антик давр тарихчилари Страбон ва Варран, хитойлик сайёҳ ва олим Жон Цян Орол ҳақида маълумот қолдирганлар. Айтишларича Искандар Зулқарнайн Хоразмга кириб келишидан олдин айғоқчиларини жўнатади. Айғоқчилар қайтиб келиб:

-Хоразмни фатҳ қилиб бўлмайди, сабаби уни ҳимоя қиладиган, бало қазолардан сақлайдиган улкан денгизи бор экан," - дебдилар. Шунда

Искандар Хоразмга ҳужум қилиш ниятидан воз кечган экан. Ҳар қалай бу гапда улкан ҳақиқат ётибди. У даврда бу улкан денгиздан отларда, туяларда ўтишни ўзи бўлармиди?!...

Денгиз учун асосий манба Аму ва Сир дарёлари бўлган. Энг кўп сувни Амударёдан олган. Зардуштийларнинг қадимий "Авесто" китобида Амударё "Аранг" деб номланган.

1960 йилларда адабиётшунос олим, адиб Пирмат Шермухаммадов Оролни шундай тасвирлайди:

"Кўз олдингизда уфқ билан туташиб кетган баҳри азим. Унинг шифобахш ўркач-ўркач тўлқинлари, мовий кенгликларда ўйнаб юрган балиқлари руҳни кўтаради. Турна қатор тузилган пароходлар, узун-қисқа баржалар, енгил тебранадиған қайиқлар..."

Адиб 1980 йилларга келиб ачинганича шундай ёзади:

"Мўйноқнинг қоқ ўртасида туриб ўз қирғоқларини ташлаб кетаётган маъсум Орол томон тикиламан. Рўпарамда қовжираб ётган тепаликлар, уларнинг ортида қуруқ темирга айланган кемалар, пароходлар, баржалар, ярим тупроқ остида қолиб кетган қайиқлар..."

Йиллар ўтиб қумлоқ саҳрога айланган Орол бағри мовийликдан чекинди. Натижада йилига 75 миллион тонна чанг ва туз ҳавога кўтарилаётган заҳарли ҳудудга айланди. Оролбўйи ерларининг мелиоратив ҳолати кескин ўзгарди, аҳоли ўртасида сурункали камқонлик, онкологик ва бошқа оғир касалликлар авж олди, дарахтлар қуриди, яшил олам дарз кетди.

Орол денгизига эътибор ўтган асрнинг 1980 йилларида бошланди. 1990-2017 йилларда денгизнинг қуриган қисмига чўл ўсимликлари экиш ишлари бошлаб юборилди. Оролнинг қуриган қисми 6 миллион гектарни ташкил қилади. Яримдан зиёди 3,2 миллион гектари Ўзбекистон ҳудудида жойлашган. Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2018 йилнинг ноябрида Қорақалпоғистонга ташрифида Мўйноқ туманида

бўлиб, қуриган майдонларга саксовул экишни маслаҳат берадилар. Шунга кўра 200 минг гектар ерга саксовул, қандим, черкез каби шўрга чидамли ўсимликлар экиш режа қилинади.

Ўзбекистон Мустақиллиги Оролга иккинчи умрни бахш этди. Янги Ўзбекистон миллий лойиҳаларини амалга ошириш билан Мўйноқ об-ҳавосида яна ўзгариш бўлди. Олдинги мовий денгиз ўрнида “яшил денгиз” пайдо бўла бошлади. 100 минг гектар шўрхок ерларга асаларилар гулини хуш кўрадиган тамаринд ўсимлиги экилди. Туризм соҳасига эътибор қаратилди. Экология ва Орол денгизи музейлари қуриши ишлари бошланди. “Ҳаким ота” зиёратгоҳида қурилиш-таъмирлаш ишлари тезлаштирилди. Тумандаги “Тикўзек” овулида Орол бўйи инновация маркази ғоялари асосида боғ ташкил қилинмоқда. Президентимиз таклифи билан Мўйноқда амалага оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, денгизнинг қуриган ҳудудида яшил қопламаларни барпо этиш ишлари бошланди. Қорақалпоғистон ўрмон хўжалиги, Ҳалқаро Оролни қутқариш фонди каби бир қанча маъсул ташкилотлар иш олиб борган Мўйноқда ҳозирги кунда “Оқ кема” болалар дам олиш маркази, Маданият саройи, Ёшлар саройи, Амфитеатр, янги аэропорт, қатор ўқув амалиёт марказлари фаолият кўрсатмоқда.

Демак, мовийликдан яшилликка ўтаётган Орол ҳудудларига янги ҳаёт кириб келди. Янги давр эпкиnlари билан суғорилган яшил олам ҳаёти. Бу ҳаёт яқин ва олис атрофларига ҳам ўз бағрини очмоқда. Бутун Ўзбекистон аҳли бугунги даврда “Яшил макон” лойиҳаси бўйича иш олиб бормоқда.

Оролнинг олдинги даврини қўмсайман. Бироқ энди ўтмишнинг гўзал жилваларини ўз изига қайтаришнинг иложи йўқ. Мовий тўлқинлар балки қачонлардир қайтар, бунини яратган Аллоҳ билгувчидир. Бу сўзни нега айтдим? Айтишларича Амударё ҳам, Орол ҳам кўп бора ўз ўзларини ўзгартириб оққан экан. Бугун бу тупроқ ораларидан акулалар тишлари топилган. Демак, денгизнинг энг қадим ўтмишидан ёдгорликлар бор. У энди қақшаган қуруқ тупроқ, сувсиз саҳро, намлиги йўқолган кўзимдаги қароғим эмас, бағридан музейларга, боғларга, сўлимликка жой бўшатиб бераётган саҳий заминга айланмоқда. Яшил олам, яшил ҳудудга айланмоқда. Уни асрамоқ эса бизнинг фарзандлик бурчимиз.

Мовийлигим, яшиллигим, муҳаббатим Она Денгизим!

Яна қайтсанг бағрингдаги уммонингга тушса кўзим...

дегим келди. Сўзларим адо бўлмас, тилакларим фидо бўлмас, муҳаббатим сени тарк этмас менинг болалигим кўзларида қолган Оролим, мовий денгизим!

Жозиба

SO‘Z O‘ZLASHTIRISHNING LUG‘AT BOYLIGIGA TA‘SIRI: SALBIY VA IJOBIY NATIJALAR

F. A. Ashurova,
TDAU O‘zbek tili va adabiyoti kafedrası o‘qituvchisi.

Annotatsiya. Bugungi globallashuv davrida o‘zbek tilining nufuzi va mavqeyini saqlab qolish eng dolzarb masalalardan biridir. Maqolada o‘zbek tilining nufuzi va mavqeyini oshirish masalalari, til asosiy muloqot vositasi ekanligi, so‘z o‘zlashtirishning ijobiy va salbiy tomonlari haqida fikrlar bildirilgan. Yoshlarning chet tillarini o‘rganishi ona tilimizga e‘tiborsizlik hisobiga bo‘lmasligi kerakligi ta’kidlangan.

Kalit so‘zlar: chellenj, parol, chorlov, da‘vatli tashviqot, chaqiriq, ommalashuv, im, o‘ron, start ap

Dunyo aholisi hayot tarzining keskin tezlashib ketishi, mamlakatimizda ko‘plab sohalarining jadal rivojlanib ketishi, xalqaro aloqalarning kuchayishi til masalalariga e‘tiborsiz bo‘lmaslikka undamoqda. Farzandlarimiz rus, ingliz, fransuz, xitoy, turk va boshqa tillarni katta qiziqish bilan o‘rganmoqda. Til o‘rganish orqali xalqaro maydonlarga chiqmoqdalar. Bugungi kunda birgina axborot texnologiyalari sohasining rivojlanishini kuzatsak, bu taraqqiyot natijasida tilimizga juda ko‘plab yangi atamalarining kirib kelganligiga guvoh bo‘lmoqdamiz. Masalan tilimizda yangi paydo bo‘lgan **bodi-kamera** so‘zi (ingliz tilidan olingan); **hashtag** - ilova matnni (masalan, tvit) tasniflovchi yoki toifalarga ajratuvchi #belgisidan keyin kelgan so‘z yoki ibora; **screen** - ingliz tilida ekran, oyna hamda shot - fotosurat ma’nosi) so‘zlarining qo‘shilmasidan yasalgan so‘z; parol - parole (fransuz tilidan olingan); **QR-kod** - QR

code (Quick Response code); challenge (matndan: «Shimgan Challenge» qishki sport musobaqasini o‘tkazish); **website** (inglizcha); **start ap** - innovatsion ishlanmalar, texnologik loyihalar; **Wi-Fi** - Lokal tarmoqqa simsiz ulanishni ta‘minlovchi qurilmalar va texnologiyalar tizimi kabi juda ko‘plab so‘zlar taraqqiyot tufayli o‘zlashtirildi. Boshqa tillardan yangi so‘zlarning o‘zlashtirish tilning lug‘atini boyitadi. Ammo bu holatni, ya’ni o‘zlashma so‘zlar tildagi mavjud atamalarining o‘rnini egallashini, tilning o‘z so‘zlarini siqib chiqarishini e‘tiborsiz qoldirmasligimiz lozim.

Yuqorida biz “chellenj”, “parol” so‘zlarini yangi kirib kelgan atamalar qatoriga kiritdik. Tilimizda “Chellenj” so‘zi anglatgan tushunchani “chorlov”, “da‘vatli tashviqot”, “chaqiriq”, “ommalashuv” degan bir necha muqobil variantlari, “parol” so‘zi anglatgan tushunchaning “im”, “o‘ron” degan



muqobillari mavjud ekanligiga qaramasdan ushbu atamalarning qo'llanilish doirasi aholi orasida kun sayin faollashib borayotganligi bugun hech birimizga sir emas. Demak, bu holat o'z tilimizga yetarlicha e'tibor qaratmayotganligimiz natijasidir desak, xato bo'lmaydi. Sababi "parol" so'zining turkiy tilda bo'lishi tabiiydir. Chunki qadimda ajdodlarimiz axborot texnologiyalaridan foydalanmagan bo'lsalar-da, davlat ishlari, boshqa davlatlar bilan siyosiy, madaniy aloqalar olib borganligini bugun butun dunyo tan olmoqda. Buni bilishimiz uchun o'z tariximizni yaxshi bilmog'imiz kerak. Fikrimiz dalili uchun yozuvchi Pirimqul Qodirovning "Yulduzli tunlar" romanidan quyidagi jummalarni keltirib o'tamiz.

"Atrofdagi o'tovlar jim, hamma uyquda.

Tun sukunatida otning dupuri, itlarning hurishi eshitildi. Qarorgohning chetiga qo'yilgan qorovul zarda qilib:

– To'xta! Kimsen? – dedi. – O'ronni1 ayt!

– O'ron – Andijon.

Qorovulning ovozi yumshadi:

– Andijon bo'lsa kelaver. Ovozindan Tohir chopuqqa o'xshaysenmi?"

Asardan keltirilgan parchada qo'llanilgan "o'ron" so'zi bugun biz qo'llayotgan "parol" so'zi anglatadigan tushunchaga to'la mos keladi. Tilimizda mazkur tushunchani anglatuvchi "im" so'zi ham bor. Biroq bugun biz "parol" so'zini keng qo'llamoqdamiz.

Bugun biz so'z oz'lashtirilishi tilimizdagi so'zlarning nafaqat iste'moldan chiqishi va unutilishiga olib kelishi, balki so'zlovchi nutqining tinglovchiga to'la yetib borishiga ham jiddiy halal berishi mumkinligini ham hisobga olishimiz lozim. Sababi tinglovchi o'zga tildagi so'zlarning mazmunidan ko'ra o'z ona tilida aytilgan so'zni

tezroq tushunadi. Bu borada ilk uyg'onish davri buyuk mutafakkir olimi Abu Rayhon Beruniy shunday degan: "Tilning vazifasi shuki, unda kishi bir narsani aytganda, boshqasi haligining maqsadini darhol anglashi kerak".

Bugun chet tillarini chuqurroq o'rganishimizni davrning o'zi taqozo qilmoqda. Xorijiy davlatlardan mamlakatimizga ko'plab investor va tadbirkorlar kelishmoqda, ular bilan turli sohalar bo'yicha hamkorliklar o'rnatilmoqda. Turizmni rivojlantiryapmiz, ko'plab yoshlar chet el universitetlarida o'qishga katta qiziqish bildirishmoqda. Mamlakatimizda chet tillarini o'qitish bo'yicha keng ko'lamli ishlar amalga oshirilmoqda. Chet tillarisiz katta muvaffaqiyatlarga erishish mushkul. Biroq, chet tillarini o'rganish ona tilimizga e'tiborsizlik hisobiga bo'lmasligi kerak. Zero, XX asr boshida olti tili - o'zbek, arab, fors, hind, turk, va rus tillarida lug'at tuzgan Isoqhon Ibrat aytganlaridek, "Bizning yoshlar albatta boshqa tilni bilish uchun sa'y-harakat qilsinlar, lekin avval o'z ona tilini ko'zlariga to'tiyo qilib, ehtirom ko'rsatsinlar. Zero, o'z tiliga sadoqat - bu vataniy ishdir". Biror xorijiy tilni kamsitmasdan, til o'rganishni qadrlagan va qo'llab-quvvatlagan holda o'z ona tilimiz sofligini saqlashimiz va dunyoda muhim til sifatida rivojlanishi uchun astoydil harakat qilmog'imiz kerak. O'zbek tilini yanada rivojlantirish, uni dunyoga tanitish nafaqat tilshunos olim, shoir, yozuvchi, san'atkor-u suxandonlarning vazifasi, balki har bir millat vakilining ham burchi bo'lmog'i lozim. Ona tilimiz faqat so'zlashuv tili bo'lib qolmasdan, mamlakatimizda rasmiy ish yuritish tili, ilm-fan tili bo'lishi kerak.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 30-sentabr kuni O'qituvchi va murabbiylar kuniga bag'ishlangan tantanali marosimda so'zlagan nutqi.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoyevning 2019-yil 4-oktabrdagi «Davlat tili haqida»gi qonuni qabul qilinganining o'ttiz yilligini keng nishonlash to'g'risida"gi PQ-4479-son Qarori.
3. Naim Karimov. Munavvarqori Abdurashidxonov tanlangan asarlar Toshkent. «Ma'naviyat» 2003.
4. Pirimqul Qodirov. "Yulduzli tunlar" romani.

ЯЗЫК ПРЕДКОВ, ЯЗЫК ПОКОЛЕНИЯ - ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ЯЗЫК

Н. З. Мамедова,
старший преподаватель, ТАГУ.

Аннотация. Данная статья содержит историю происхождения современных терминов «узбекский», «узбекский язык», научные взгляды на корни узбекского народа и языка, ряд исторических источников о возрасте истории нашего языка, а также как примеры из научных работ, написанных лингвистами.

Ключевые слова: язык, нация, народ, государственный язык, история, термин, наука.

Ушбу сана, шубҳасиз, мамлакатимиз ўтмишидаги энг қутлуғ саналардан бири. Зеро бу кунда Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги қонуни қабул қилиниб, мустабид тузум ҳукмронлиги давридаёқ халқимизнинг ўзига хос жасорати тимсолига айланган эди. Ва шуни алоҳида эътироф этиш лозимки, бу ҳужжат ўз вақтида халқимизнинг истиқлолга бўлган умид-ишончини, миллий ғурур туйғусини кучайтирди, Мустақил-лигимизнинг ўзига хос пойдевори вазифасини бажарди десак, асло муболаға бўлмайди.

Мутахассисларнинг фикрича, жаҳон аҳли бугунги кунда 7000 дан зиёд тилда гаплашарди ва буни қарангки, уларнинг фақатгина 200 га яқинида давлат тили ёки расмий тил

мақоми мавжуд экан. Ўтмишда 9000 дан ортиқ тил мутлоқ йўқолиб кетганлиги ҳам асослантирилади. Бирор бир тилнинг яшаб қолишини таъминлаш учун ундан камида 1 миллион киши фаол фойдаланиши керак, дейди соҳа ўрганувчилари.

Филология фанлари доктори, профессор Қосимжон Содиқов, халқ ва тилининг ёши ҳар қачон ҳам у аталаётган ном тарихи билан ўлчанавермаслигини шундай изоҳлайди.

Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” достонида асарнинг тили *türkčä* деб аталган (*türkčä qoşuq, türkčä masal* сингари):

*Bu türkčä qoşuqlar tüzättim seňä,
Oqırda ünïtma du’a qıl meňä.*

Шундан келиб чиқиб, Навоий туркий





шеъриятни türk nazmī деб атаган эди. Навоий қўллаган атамани Заҳириддин Бобур асарларида ҳам учратамиз. Масалан, у “Бобурнома”да Андижон тўғрисида маълумот бера туриб, элини türk, унинг тилини türki деб атайди [3.6]. Ёки Навоий ижоди ҳақида фикр юритиб, туркийда “ҳеч ким унингдек кўп ва хўп” битмаганлигини таъкидлайди: türki til bilä tã še'r aytupturlar, heç kim ança kör va xob aytqan emäs [3.153].

Юқоридаги маълумотлардан ҳозирги ўзбек халқи XIV юзйилликда Дашти Қипчоқда юзага келган, деган мутлақо ғайри илмий хулоса келиб чиқмаслиги керак. Ўрта Осиёда қадимдан яшаб келган туркий туб аҳоли ҳозирги ўзбек халқининг ота-боболаридир. Дашти Қипчоқдан “ўзбек” номини олган қавмнинг келиб ўрнашиши ҳозирги ўзбекларнинг тўлиқ таркиб топишидаги кейинги босқичлардан бири, холос. Уларга қадар ерли туркий халқ бошқа отлар билан аталар эди. Ҳозирги отини эса, кейинчалик, ўзларига келиб қўшилган ўзбеклардан олдилар. Демак, атама тарихи халқ тарихига мутлақо тенг эмас.

Ёзма манбаларда, туркий адабий тил турлича аталган. Маҳмуд Кошғарий “Девону луғатит турк”да ўз даври етакчи диалектларини

(шарқий диалектларни) умумлаштириб “турк тили”, қолганларини эса ўз номлари (ўғузча, қипчоқча) ва бошқалар билан атайди. Ана шу “турк тили” ўрнида “хоқония тили”, “хоқония туркчаси” номини ҳам қўллаган. Бу билан у қорахонийлар давлатининг марказий ўлкаларида яшовчилар лаҳжаси (адабий тилга асос бўлувчи етакчи лаҳжалар)ни назарда тутлади.

Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарида türkčä билан бир қаторда buğraхан tili, хан tili атамалари ҳам қўлланган. Мисоли шундай: Türkistän ellärindä buğraхан tilinčä bu kitäbdin yaxširaq hargez-kim ersä tasnif qilmadi (“Туркистон элларида буғраҳон тилида бирор кимса ҳаргиз бу китобдан яхшироқ ёзган эмас”) [1.48]. Бу билан, чамаси, Буғраҳон қарамоғидаги ўлкаларда яшовчилар лаҳжасига таянган адабий тил кўзда тутилади.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек тили жуда узоқ тарихга эга бўлиб, унинг ҳозирги оти тил тарихини ўзида тугал акс эттирмайди. Худди шундай ҳолни бошқа туркий (масалан, уйғур, қозоқ ва б.) тилларда ҳам кузатамиз. Бу ҳодиса туркий тилларнинг, шулар қатори, ўзбек тилининг ўта мураккаб жараёни босиб ўтганидан далолат беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Юсуф Хос Ҳожиб “Қутадғу билиг” Тошкент, 2019
2. Алишер Навоий “Лисону-т-тайр”
3. Заҳириддин Муҳаммад Бобур “Бобурнома” Тошкент, 1989
4. Аҳмедов 1992 – Аҳмедов Б. Ўзбек улуси. Тошкент, 1992

ARBITRLARNI TANLASH, TAYINLASH VA RAD ETISH ASOSLARI

Imomali Tuyev,

Toshkent davlat yuridik universiteti

Xalqaro huquq va qiyosiy huquqshunoslik fakulteti talabasi.

Annotatsiya. Ushbu maqola xalqaro huquq sohasida arbitrlarni tanlash, tayinlash va rad etish asoslariga bag'ishlangan bo'lib, bundagi asosiy mavzu tomonlar o'rtasidagi nizolarni tinch yo'l bilan hal etish muhim ahamiyatga ega. Nizolar tinch yo'l bilan hal etilar ekan, albatta har bir tarafning manfaatlari e'tibordan chetda qolmasligi shart va zarurdir.

Kalit so'zlar. Arbitr, arbitraj, hakamlik sudi, arbitraj qarorlari, arbitrni tanlash, arbitrni rad etish, arbitrni tayinlash, arbitraj sudi, xalqaro tijorat arbitraji Reglamenti, UNICITRAL, sudya.

Xalqaro tijorat arbitraji turli mamlakatlar taraflari o'rtasidagi nizolarni hal qilishning mashhur usuli hisoblanadi. Arbitrajning asosiy jihatlaridan biri bu hakamlik sudyalarini tanlashdir. Nizoning adolatli va xolis hal etilishini ta'minlashda hakamlik sudyalarining tayinlanishi hal qiluvchi rol o'ynaydi. Ushbu maqolada xalqaro tijorat arbitrajida hakamlarni tanlash, tayinlash va rad etish jarayoni muhokama qilinadi. Mavzuning asosiy qismiga o'tishdan avval mavzuga doir umumiy tushunchalar to'g'risida to'xtalib o'tish muhim ahamiyatga ega. Arbitr o'zi kim? Arbitraj nima uchun muhim? Shu va shu kabi savollarga javob berar ekanmiz, mavzuga doir tushunchalar o'z-o'zidan kelib chiqaveradi.

Doimiy arbitraj muassasasi yoki muayyan nizoni hal qilish uchun tashkil etiladigan arbitraj sudi tomonidan amalga oshirilishidan qat'i nazar, nizoni hal etish tartib-taomiliga arbitraj deyiladi. Shuningdek, davlatlar orasidagi nizolarni tinch yo'l bilan hal etuvchi xalqaro organ ham arbitraj sanaladi.

Arbitraj sudi esa korxonalar, muassasalar va tashkilotlar o'rtasidagi tijoratga oid nizolarni hal etuvchi yagona organlar tizimi hisoblanadi.

Arbitr lotin tilidan tarjima qilinganda, vositachi, hakam kabi ma'nolarni bildiradi. Arbitr bu vositachi, o'zaro nizolini hal qilish uchun tomonlararo tanlangan sudya sanaladi. Shuningdek, arbitr xo'jalik idoralari o'rtasidagi nizoli masalalarni ko'rib, bartaraf qiluvchi lavozimli shaxs hisoblanadi, shular bilan bir qatorda arbitr arbitraj a'zosi ham bo'lishi lozim. Umumiy qilib aytadigan bo'lsak, taraflar tomonidan nizoni arbitrajda hal qilish uchun kelishilgan tartibda tayinlangan jismoniy shaxs arbitr sanaladi.

Arbitrlar bu arbitraj sudlarida ishlarni ko'rib chiquvchi va qaror qabul qiluvchi shaxslardir. Arbitrlarga bir qancha talablar qo'yiladi va ular quyidagilar:

- Jismoniy shaxs bo'lishi;
- Muomala layoqatiga egalik;
- Taraflardan mustaqil va daxlsiz bo'lish;
- Xolislik.

Agarda arbitr taraflar uchun adolatli va shaffof qaror qabul qilsa va bu har ikki taraf uchun hech qanday nizo tug'dirmasa, bunday holatda arbitrning faoliyatiga hech qanday shubha bilan qaralmaydi va bu arbitrlarga bo'lgan ishonchni yanada oshirilishiga xizmat qiladi. Arbitrlar o'z faoliyatini amalga

oshirishda mustaqillik va daxlsizlik prinsipi xalqaro tijorat arbitrajining reglamentlarida mustahkamlab qo'yilgan bo'lib, ishni to'g'ri va xolisona hal qilishda muhim rol o'ynaydi. Arbitr ishni ko'rish boshlangunga qadar ishni xolisona hal qilishga to'sqinlik qilishi mumkin bo'lgan holatlar haqida taraflarga ma'lum qilishi shart. Bu esa arbitrlarga bo'lgan ishonchni yanada ortishiga yana bir omil bo'ladi.

Arbitrlarni tanlash xususida to'xtalib o'tar ekanmiz, taraflar avvalo arbitrni tanlashda, uning avvalgi faoliyati, mehnat samaradorligi, qarorlarining qay darajada adolatlilik, eng asosiysi arbitrning ishonchliligiga albatta nazar tashlaydilar. Taraflar arbitrning faoliyatiga bo'lgan ichki ishonch orqali uni tanlashga erishadilar. Va albatta bu ishonch o'z-o'zidan paydo bo'lmaydi. Arbitrning butun xatti-harakatlari bu ishonchning vujudga kelishiga turtki bo'ladi. Xalqaro tijorat arbitrajining umumiy tamoyillariga muvofiq, agar taraflar arbitrni tanlash to'g'risida kelisha olmagan taqdirda, arbitr taraflardan istalgan birining iltimosiga binoan sud tomonidan tayinlanadi. Bunda arbitraj sudida arbitrlar soni taraflar kelishuviga ko'ra 1 yoki undan ko'p bo'lishi mumkin. Agarda taraflar o'rtasida tuzilgan kelishuvda arbitrlar soni nazarda tutilmagan bo'lsa, bunday holatda 3 ta arbitr belgilanadi.

- Arbitrlarni tayinlash xususida so'z yuritar ekanmiz, arbitrlarni tayinlash jarayoni arbitrajlarda eng muhim jarayon ekanligi guvohi bo'lamiz.
- Xalqaro huquqshunos Silvester Pekovskiy aytganidek, "Arbitr bu arbitraj muhokamasi sifatini hal qiluvchi ahamiyatga ega va agar siz uni noto'g'ri tanlasangiz, oqibatlari fojiali bo'ladi"¹.
- Shuningdek, O'zbekiston Respublikasining "Xalqaro tijorat arbitraji to'g'risida"gi 674-sonli Qonunida arbitrlarni tayinlash hamda arbitrlarni tayinlashda muddatlar borasida aniq normalar belgilangan. Ushbu Qonunning maqsadi xalqaro tijorat arbitrajlarining faoliyati sohasidagi munosabatlarni tartibga solishdan iborat.

Uch nafar arbitrli arbitrajda har bir taraf bittadan arbitrni tayinlaydi va shu tariqa tayinlangan ikki nafar arbitr uchinchi arbitrni tayinlaydi; agar bir taraf boshqa tarafning bu haqdagi iltimosi olingach o'ttiz kun ichida arbitrni tayinlamasa yoki ikki arbitr o'zi tayinlangan paytdan e'tiboran o'ttiz kun ichida uchinchi arbitrni tanlash to'g'risida kelisha olmasa, arbitr istalgan tarafning iltimosiga binoan sud tomonidan tayinlanadi².

Arbitrlarni tayinlash tartibi quyidagilardan iborat:

1. Agar taraflar kelishuvda 3 ta arbitr tayinlash nazarda tutilgan bo'lsa, har ikkala taraf bittadan arbitrni tayinlaydi;
2. Shundan so'ng ikkala arbitr uchinchi arbitrni tayinlashadi;
3. Agar taraflar ikkala arbitrni o'z vaqtida tayinlamasa yoki tayinlangan ikki arbitr uchinchisini o'z vaqtida tayinlamasa, arbitrlar vakolatli organ tomonidan tayinlanadi.

Shuningdek, arbitrlarni tayinlashda ahamiyatga molik yana bir jihat ishonchlilik va xolislikdir. Ya'ni arbitr tomonlardan biriga yon bosmasligi lozim. Buni amalga oshirishda turli usullardan foydalaniladi.

Misol uchun, London arbitraj sudi (LCIA)ni boshqa bir arbitraj markazlaridan farqli holati shundan iboratki, LCIAning arbitrlar haqidagi ma'lumotlar bazasi maxfiy hisoblanadi hamda ishtirokchi tomonlarning unga kirishlari qat'iy cheklangan hisoblanadi³.

1. Silvester Pekovskiy bilan intervyu. 2007-yil aprel

2. O'zbekiston Respublikasining "Xalqaro tijorat arbitraji to'g'risida"gi 674-sonli Qonuni. 16-modda. Arbitrlarni tayinlash

3. Journal of Advanced Research and Stability. Aniq va tabiiy fanlar ta'limida raqamli texnologiyalarni qo'llash. Xalqaro tijorat arbitrajida arbitrlarni tanlash masalalarining xalqaro huquqiy tavsif.

Bundan ko'zlangan maqsad manfaatlar to'qnashuvining oldi olinishi hamda tomonlari o'zlari maqsadlariga mos tarzda arbitrlardan foydalanishning oldini olishdir. Shuningdek manfaatlar to'qnashuvi sodir bo'lgan yoxud arbitrga ishonchsizlik bildirilishiga olib keladigan boshqa holatlar yuz bergan taqdirda arbitr rad etiladi. Unga ko'ra rad qilish asoslari sifatida avvalo yuqorida aytib o'tganimdek, shubha va manfaatlar to'qnashuvi keltirilgan va arbitrlar tayinlangandan 15 kun ichida arbitrni rad qilish to'g'risidagi iltimosnoma bilan chiqilishi lozim. Millat jihatdan esa tayinlashda farqlanmaydi. Faqatgina bu cheklanish tomonlar o'rtasidagi arbitraj kelishuvi bilangina amalga oshirilishi mumkin.

Arbitrlarni rad etish ham o'ziga xos xususiyatlarga ega. Yuqorida aytganimizdek, arbitrni rad etish arbitrning xolisligiga shubha tug'diruvchi holatlar ma'lum bo'lgan kundan boshlab 15 kun ichida e'lon qilishi kerak.

Ushbu mavzuda so'z yuritar ekanmiz, yana O'zbekiston Respublikasining "Xalqaro tijorat arbitraji to'g'risida"gi Qonuniga murojaat etamiz. Ushbu Qonunning 17-moddasiga asosan, biror-bir shaxsga uning arbitr sifatida tayinlanishi mumkinligi munosabati bilan murojaat qilingan taqdirda, ushbu shaxs o'zining xolisligi yoki mustaqilligi borasida asosli shubhalar keltirib chiqarishi mumkin bo'lgan har qanday holatlar to'g'risida ma'lum qilishi kerak. Arbitr o'zi tayinlangan paytdan e'tiboran va butun arbitraj muhokamasi davomida taraflarga har qanday shunday holatlar to'g'risida, agar u taraflarni bunday holatlar to'g'risida ilgari xabardor qilmagan bo'lsa, darhol ma'lum qilishi kerak.

Darhaqiqat, arbitr faqat uning xolisligi, adolatliligi yoki mustaqilligi borasida asosli shubhalar keltirib chiqaruvchi holatlar mavjud bo'lgan taqdirda yoki u taraflar kelishuvida belgilangan talablarga mos kelmagan taqdirda rad etilishi mumkin. Shuningdek, taraf o'zi tayinlagan yoki tayinlanishida o'zi ishtirok etgan arbitrni rad etish haqida faqat u tayinlanganidan keyin o'ziga ma'lum bo'lib qolgan sabablar bo'yicha arz qilishi mumkin.

Umumiy qilib aytadigan bo'lsak, arbitrlarni rad etish taraflarda shu arbitrga nisbatan qandaydir shubha yoki uning faoliyatiga ishonchsizlik paydo bo'lgan taqdirda ular arbitrni rad etadilar va bu taraflarga boshqa arbitr tanlash imkoniyatidan mahrum etmaydi. Arbitrlarni rad etish xalqaro tijorat arbitraji qonunchiligida taraflar huquqlaridan biri sanaladi. Bu esa arbitrajning tartib-taomillari turkumiga mansubdir.

Arbitraj tartib-taomili quyidagilarda belgilab qo'yilgan:

- Xalqaro reglamentlar, alohida arbitraj markazlarining reglamentlarida;
- Xalqaro Tijorat arbitrajining namunaviy reglamentida;
- Davlatlarning qonunlarida.

Xalqaro tijorat arbitraji reglamenti arbitraj sudlari uchun namunaviy ko'rinishga ega. Unga ko'ra arbitraj tartib-taomilini taraflar o'zaro kelishib olishlari mumkin. Biroq mahalliy qonunchilikda arbitraj tartib-taomiliga ta'sir etadigan muayyan normalar belgilangan bo'lsa, taraflar undan chetlashishi mumkin emas.

Arbitraj prosedurasi yozma tartibda yoki og'zaki tushuntirishlarni eshitish tarzida bo'ladi. Yoki aksariyat hollarda har ikkala shakl birga qo'llanadi. Reglament 24-moddasiga asosan, arbitraj yozma dalillarni tekshirish bilan cheklanish yoki taraflarning og'zaki tushuntirishlarini ham eshitish haqida qaror chiqarishi mumkin.

Ishlarni tez va sifatli ko'rish:

- ✓ Taraflar ishni ko'rish muddatini uzrli sababsiz cho'zib yuborishiga yo'l qo'yilmaydi;
- ✓ Da'voni isbotlovchi dalillar uzrli sababsiz belgilangan muddatda taqdim etilmagan taqdirda arbitraj

sudi to'xtatiladi;

- ✓ Ishga jalb etilgan shaxs arbitraj sudiga kelmagan taqdirda sud ishni ko'rishni davom ettirishi mumkin.

Reglamentning 17-moddasiga ko'ra, ish tayinlangandan so'ng, arbitraj ish yuritish tili borasidagi masalani zudlik bilan hal etishi lozim. Ushbu til yozma va og'zaki dalillarni tekshirish, hujjatlarni taqdim etish va boshqa harakatlarga nisbatan tatbiq etiladi.

Ishni to'g'ri hal qilishda ish ko'riladigan joy ham muhim rol o'ynaydi. Agar taraflar kelishuvida boshqacha qoida nazarda tutilmagan bo'lsa, ish ko'riladigan joyni arbitraj o'zi mustaqil belgilaydi va bunda dalillarni tekshirishda qulaylik, joylarni ko'zdan kechirishni osonlashtirish va boshqa omillar inobatga olinadi.

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, xalqaro tijorat arbitrajida arbitrlarni tanlash, tayinlash va ularni rad etish taraflar o'rtasidagi muammoni adolatli, shaffof va izchil hal etilishida muhim omil sanaladi. Bunda xalqaro arbitrajning tartib-tamoyillari asosida taraflarning o'zlari arbitrlarni tanlash, tayinlash va ularni rad etishda muhim rol o'ynaydilar. Arbitrlar ham o'z navbatida keyingi faoliyatlari uchun muammoni mavjud normalar asosida, xalqaro va milliy qonunchilik doirasida hal etishga harakat qiladilar. Shuningdek, xalqaro tijorat arbitrajida hakamlik sudyalarini tanlash, tayinlash va rad etish bir qancha omillarni sinchiklab ko'rib chiqishni talab qiladigan murakkab jarayon sanaladi. Tomonlar hakamlarning malakasi, tajribasini, shuningdek, ularning mavjudligi, til bilimlari va hakamlik muhokamasiga yondashuvini hisobga olishlari kerak bo'ladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasining "Xalqaro tijorat arbitraji to'g'risida"gi 674-sonli Qonuni;
2. Xalqaro tijorat arbitrajida arbitrlarni tanlash masalalarining xalqaro huquqiy tavsif. Abduxalilov Otabek Akramjon o'g'li;
3. Xalqaro tijorat arbitraji Reglamenti;
4. "Chet el arbitrajleri qarorlarini tan olish va ijroga qaratish to'g'risida"gi Birlashgan Millatlar Tashkilotining konvensiyasi;
5. Advice.uz, lex.uz, library.tsul.uz, yuz.uz saytlari.

ИССИҚХОНА ЭКИНЛАРНИНГ ЗАРАРЛИ ОРГАНИЗМЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШ

Кириш. Кейинги йилларда сабзавот экинлари майдонининг кенгайиши, республикада қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш структурасида рўй берган ўзгаришлар ҳамда баъзи бошқа омиллар йиллар мобайнида озиқланиш занжиридаги организмлар орасидаги ўзаро муносабатлар ва боғлиқликларнинг бузилишига, зарарли организмлар тур таркибининг ўзгаришига, илгари ҳосилдорликка таъсири кам бўлган турлар зарарининг ошишига сабаб бўлмоқда.

“Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси қишлоқ-хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сон Фармони га асосан замонавий иссиқхоналарни ривожлантириш ва экин сифатини назорат қилиш, турли зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилишда замонавий усуллардан фойдаланиш ва экспортбоп маҳсулот тайёрлашга доир масалалар киритилган.

Республикада 2020 йилда қишлоқ хўжалигини интенсивлаш ва илғор технологияларни жорий қилиш асосида қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан бошоқли дон ишлаб чиқаришни 16,4%, картошкани 35%, сабзавотларни 30%, мева ва узумни 21,5% га орттириш режалаштирилган. Бу вазифаларни амалга оширишда қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосил миқдори ва сифатига салбий таъсир кўрсатадиган касаллик ва ҳашаротларга қарши кураш чораларининг илмий асосларини яратиш долзарб вазифа ҳисобланади.

Иссиқхона ўсимликлари ҳосилдорлигини ошириш учун тупроқ намлигини сақлаш, биологик ва минерал ўғитларни қўллаш, самарали пестицидларни аниқлашдан иборат.

Иссиқхона ўсимликларининг ҳосили йилига касаллик ва зараркунандалар таъсирида 20-30% гача нобуд бўлади.

Мамлакатда мева-сабзавот маҳсулот-

лари етиштириш ва экспорт қилиш ҳажмини кўпайтириш, ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалигига инновацион технологияларни жорий этиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, ҳақиқий аҳвол таҳлили мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш ва хорижий давлатларга экспорт қилишда иссиқхона хўжаликларининг салоҳиятидан тўлақонли фойдаланишга тўсқинлик қилаётган муаммолар сақланиб қолаётганидан далолат бермоқда.

Иссиқхона экинларини бир неча турдаги зараркунандалар зарарлаб, ҳосил миқдорини камайтириб, уларнинг сифатини бузмоқда. Бундай сўрувчи зараркунандаларга помидор занг канаси (Аси1орз 1усорег5к1 Маззее), ўргимчаккана (Теггапусбиз игйсае Косб.), иссиқхона оққаноти (Тпа1еигос1е5 7арогаглогит \Л/е51) ва ўсимлик битлари (Ар1п1сНс1ае) кириб, улар сабзавот экинларига жиддий зарар етказиб келмоқда.

Иссиқхона экинларининг сўрувчи зараркунандалари. Помидор занг канаси - Аси1орз Псорег51С1 каналар (Асап) туркумининг тўрт оёқли каналар ЕпорБу1с1ае оиласига мансубдир. Каналарнинг кенг тарқалган тури бўлиб, улар асосан помидор кўчати билан тарқалиши мумкин. Бошқа масофаларга учадиган турли ҳашаротлар ва қушларнинг танасига ёпишиб тарқалади. 1980 йилларгача Ўзбекистонда бу кананинг зарари сезилмасди.

1990 йилларга келиб ушбу зараркунанданинг республикада тарқалган ареали деярли барча вилоятларни ўз ичига олди. Помидор занг канаси ҳозирги кунда помидор ва картошканинг энг асосий зараркунандаларидан бирига айланган.

Помидор занг канаси таъсирида помидорнинг сифати ва кўриниши йўқолади, қисман чирий бошлайди. Қаттиқ зарарланган

ўсимлик ҳосили 100% нобуд бўлади. Айниқса, июль-август ойларида помидор ва кечки картошка кўп талофат кўради.

Помидор занг канаси жуда майда, оддий кўз билан кўриб бўлмайдиган бўғимоёқли жонивор бўлиб, нимфаси 100 мк (микрон), етук зоти эса 135-160 мк келади. Ранги тиниқ сарғишгача. Танаси чўзиқ, цилиндрсимон, орқа учи торайиб, тукчалар билан яқунланган, 2 жуфт оёқлари бор.

Ўтказилган махсус тадқиқотларимиздан маълум бўлишича, помидор занг канаси асосан помидор ва картошкада бемалол, тез ривожланади. Ундан кейинги ўринларни қора

ва қизил итузум, қўйпечак ва бақлажон эгаллайди.

Кана ўсимлик баргларининг ҳам устки, ҳам остки тарафида кўпайиши мумкин. Дастлаб ўсимликнинг пастки барглари, новдалари зарарлана бошлайди. У аста-секин юқорига тарқаб кетади. Зарарланган новда қўнғир тусга эга бўлиб, силлиқлашади, баргларида эса сариқ доғлар пайдо бўлиб, умумий туси қўнғир бўла бошлайди. Зарарланган гул ва майда мева нишонлари ҳамда барглари қуриб тўкилиб кетади, йирик меваларининг юзида тўр сингари расм пайдо бўлиб, тиришиб ёрилади.



1-расм. Помидор занг канаси (Аси1орз Нсорегз!с!) зарари.


Кураш чоралари. 1. Ўсимликларни бардошли, яъни бақувват қилиб ўстириш, улардаги бошқа зараркунандаларга (шира, колора-до қўнғизи) қарши ўз вақтида кураш олиб бориш, ҳосил йиғиштирилгандан кейин ўсимлик қолдиқларини даладан олиб чиқиб ташлаб, ерни шудгорлаш ва қишда яхоб суви-ни бериш.

2. Кимёвий кураш сифатида қуйидаги акарицидлардан фойдаланиш мумкин: ол-тингурут кукуни (15 кг/га), каратэ- 0,3 л/га, тал-стар - 0,5 л/га, неорон - 1 л/га, митак - 2 л/га, омайт - 1,5 л/га.

Ўргимчаккана (ТеСгапусНиз игИсае КосЬ.). Ўргимчаккана ҳаммахўр зараркунанда

ҳисобланиб, у 248 дан ортиқ ўсимликларни зарарлайди. Ўргимчаккана эрта тушганда ҳосилнинг 50% га яқини нобуд бўлиши мум-кин.

Зараркунандага қарши кураш чорала-рини тўғри ташкил этиш учун унинг био-логиясини яхши билиш лозим. Маълумки, ўргимчаккана оталанган урғочилик ҳолида қишлайди. Ўргимчаккана қишловдан баҳор ойи ҳавосига боғлиқ ҳолда турли муд-датларда чиқиши мумкин. Ўргимчаккана қишловдан 12°C дан кам бўлмаган ҳароратда чиқади. Бироқ бошқа олимлар ўргимчаккана учун энг пастки ҳарорат чегарасини 10°C деб ҳисоблайдилар.



2-расм. Ўргимчаккана (Tetranychus bimaculatus Kosh.).

Ўргимчаккана қишловдан чиққандан кейин 7-8 кун ичида тухум қўя бошлайди. Улар тухумларини асосан кенг баргли ўсимликларга, агар уларни тополмаса, ерга ҳам қўйиб ташлайдилар. Дастлаб ўргимчаккана бегона ўтларда ривожланиб, кейин маданий экинларга ўтади.

Ўргимчаккананинг ривожланишига об-ҳаво омиллари ва ўсимлик баргларидаги физиологик ва морфологик ўзгаришлар катта таъсир этади. Ўргимчаккананинг ёппасига кўпайиши учун айрим олимлар фикрича 26,6-29,8°C ҳарорат ва 23-26,5% нисбий ҳаво намлигини қулай деб ҳисобланса, бошқа баъзи бирлари эса ўргимчаккананинг ёппасига кўпайиши учун 29-31°C ҳарорат, 35-55% нисбий ҳаво намлиги қулай деб ҳисоблайдилар.

Агротехник кураш: алмашлаб экиш, қатор ораларига сифатли ишлов бериш; ўсимликларни бардошли, яъни бақувват қилиб ўстириш, бошқа зараркунандаларга (шира, колорадо кўнғизи) қарши ўз вақтида кураш олиб бориш, ҳосил

йиғиштирилгандан кейин ўсимлик қолдиқларини тўплаб, даладан чиқариб ташлаб, ерни шудгорлаш, қишда яхоб сувини бериш.

Биологик кураш: олтинқўзнинг 3 - 4 кунлик тухумини зараркунанда сонига қараб 1:10; 1:5 нисбатларда чиқариш;

Кимёвий кураш: Омайт 57% эм.к. (1,5 л/га); Ниссоран 10% н.кук. (0,1 кг/га); Флумайт 20% сус.к. (0,2 л/га); Ортус 5% сус.к. (0,75 л/га); Вертимск 1,8% эм.к. (0,3-0,4 л/га) лардан бирини қўллаш тавсия этилади.

Ўсимлик битлари (ArH1cHc1ae). Ўсимлик битлари (ArH1cHc1ae) иссиқхоналардаги сабзавот экинларининг асосий зараркунандаларидан ҳисобланади. Адабиёт бўйича иссиқхоналарда 4 турдаги: АрВГз сгассп/ога Косъ., А.доззурН 610УУ., Мугобез регЗГсае 8и1г. ўсимлик битлари учрайди.

Ўсимлик битлари баргларнинг ширасини сўради, бунинг оқибатида поя ва илдизлардаги углеводлар миқдори кескин камайиб кетади. Қаттиқ зарарланган баргларнинг шакли ўзгаради ва буралиб қолади. Бундан ташқари, барглarda ҳосил бўлган шираларда сапрофит замбуруғлар ривожланиб, ўсимликлар ривожланишини сусайтиради, баъзи ҳолларда эса ўсимлик бутунлай қуриб ҳам қолади. Зарарланган ўсимликлардаги ҳосил 30-51% гача камайиши мумкин.

Ўсимлик битлари чала ўзгариш йўли билан ривожланувчи ҳашарот бўлиб, бутун мавсум давомида тирик личинка туғиб кўпаяди. Фақат қишда тухумлик фазасида (полиэфили) бўлади. Бу зараркунандалар очик шароитда, бир йилда 26 мартагача насл беради. Ҳаво ҳароратига қараб битларининг бир авлоди ривожланиши учун 3-20 кун керак бўлади. Ҳар бир урғочи бит ўз ҳаётида 150 тагача личинка туғади.



(“Ўсимликлар ҳимояси” 9-китобдан олинди).

ЎТМИШГА САЁҲАТ

Буюк адибимиз, ўзбек романчилик мактабининг асосчиси Абдулла Қодирий бадий даҳоси билан яратилган етук асарлар миллий ўзлигимизни англашда бугун ҳам беқиёс аҳамият касб этмоқда.

**Ш.М. Мирзиёев,
Ўзбекистон Республикаси Президенти**



Бу ҳақиқатнинг ўтмишга, ҳозирги замон ва келажакка ҳам баб-баравар дахлдорлигини барчамиз чин юракдан англаб, ҳис этиб турибмиз... Абдулла Қодирийни эслар экан, устоз Абдулла Орипов “Маломат тошлари” сарлавҳали шеърини да ўқинч билан шундай надоматли сатрларни битган эди:

**Сарғайган саҳфалар аро боқиб тек
Қодирий қабрини сўрар Отабек...**

Улуғ адиб: “Мозийга қараб иш тутмоқ хайрлидир” деб айтганидай, қумридил ва булбулзабон шоиримиз Муҳаммад Юсуф миллатимиз бошига тушган у машғум ва қора кунларни куйидаги аламли сатрлар билан ёдга олади:

**Алҳазар, алҳазар, минг бор алҳазар!
Ана, юришибди кийганлари зар,
Қодирийни сотиб, шоир бўлганлар –
Меҳробингдан чиққан чаёнларинг бор.
Қўлинг қадоғига босай юзимни,
Онамсан-ку, оғир олма сўзимни.
Қайинларга айтиб “Қаро кўзум”ни –
Сибирларда қолган Усмонларинг бор!...”**

Мамлакатимиз мустақилликка эришган илк йиллардан бошлаб, бошқа долзарб масалаларни ҳал қилиш билан бирга, улуғ аجدодларимизнинг пок номларини тиклаш, улар қолдирган олтин меросни ўрганиш, тарғиб ва ташвиқ қилиш, меъморий ёдгорликлар ўрнатиш борасида кенг қамровли ва изчил ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Айнан шу ишлар доирасида Амир Темури, Алишер Навоий, Захириддин Бобур, Абдулло Авлони, Фитрат, Чўлпон ва кўплаб бошқа улуғ аждодларимизнинг номлари тарих зарварақларидан муносиб ўрин эгалладилар.

Юқорида номлари келтирилган буюк давлат арбоблари, шоир ва ёзувчилар қатори биринчи ўзбек романи муаллифи Абдулла Қодирийнинг ҳам номи тикланди.

“Буюк ўзбек адиби, миллий романчилигимиз мактабининг асосчиси Абдулла Қодирий асарларининг бугунги маънавий-ижтимоий ҳаётимиздаги беқиёс ўрни ва аҳамияти исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир, — деб ёзади Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид. —





Маълумки, Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 декабрдаги “Буюк ўзбек ёзувчиси Абдулла Қодирий ижодининг улкан аҳамиятини инобатга олиб, ёш авлод қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат, аждодларимизнинг маънавий мероси билан фахрланиш ва ифтихор туйғуларини юксалтириш ҳамда ёзувчи таваллудининг 125 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги фармойиши қабул қилинган эди. Мазкур қарорга биноан, Тошкент шаҳрида Абдулла Қодирий номидаги Ижод мактаби очилди, Миллий боғимиздаги Адиблар хийёбонида, Абдулла Қодирий номидаги мемориал-хотира боғида улуғ адибимизга мухташам ёдгорликлар ўрнатилди, адиб яшаб ижод қилган Самарқанд дарвоза маҳалласида Абдулла Қодирий уй-музеи барпо этилди, қарорда белгиланган кўплаб бошқа ишлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси “Ижод” жамоат фонди ҳомийлигида чоп этилган Абдулла Қодирийнинг бир жилдлик танланган асарлари, “Абдулла Қодирий замондошлари” қомусий мажмуаси, “Абдулла Қодирий феномени”, ёш китобхонларга мўлжалланган, уларни жиддий мутолаага ундайдиган, ихчам китоблар туркумида “Ўткан кунлар ибрати” номли мўъжаз рисоласи ва бошқа асарлар кўп нусхаларда нашр этилди. Республикадаги Ижод мактаблари ва бошқа таълим даргоҳларида қодирийхонлик сабоқлари, очиқ дарслар, иншолар танлови ва бошқа адабий учрашувлар ўтказилди.

Куни-кеча бир гуруҳ меҳнат фахрийлари, журналистлар билан бирга А.Қодирийнинг уй-музеига борар эканмиз, ушбу маскан очилганидан кейин ўтган қисқа вақт ичида амалга оширилган улкан ишларнинг гувоҳи бўлдик.

— Улуғ бобомизнинг пок номларини тиклаб, улар қолдирган олтин мерос билан ўсиб келаётган янги авлодни таништириш имкониятини яратиб берганликлари учун авваламбор мамлакатимиз раҳбари Шавкат Миромонович Мирзиёевга барчамизнинг самимий миннатдорчилгимизни билдираман, — деди А.Қодирий уй-музеи директори, адибнинг тўнғич набираси, журналист Хондамир ака Қодиров. — Бизлар ўз томонимиздан мазкур маскан олдида турган вазифаларни рисоладагидек бажаришга, ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий баркамол бўлиб етишишга ўзимизнинг муносиб хиссамизни қўшишга ҳаракат қиламиз...

Улуғ адибнинг набираси билан гаплашар эканмиз, Ўзбекистон Халқ шоири Маҳмуд Тоирнинг қуйидаги сатрлари эсга тушди:



Фарзанд инсон ортидаги ёниб қолган чироқдир,

Чироқ ёқсанг, парвонаман, руҳим менинг уйғоқдир,

Сен унутма, охиратда ҳар дақиқанг сўроқдир,

Болам, отам ўлган дема, мен ўзингда яшайман,

Жондан азиз суйган ўғлинг ҳам қизингда яшайман.

Ўз вақтида раҳматли академик Иззат Султон, филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Нўъмонжон Раҳимжонов билан Абдулла Қодирий ҳақидаги ажойиб суҳбатлар эсга тушди... Музейда кўплаб улуғ адибларнинг Абдулла Қодирий ҳақидаги дил сўзлари баннерларда, ҳурмат билан битиб қўйилган. Шулар ичида Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романидан

олинган бир парча барчани диққатини ўзига тортади.

Муаллиф «Ўткан кунлар»да Юсуфбек хожи тилидан миллат тақдири ҳақида шундай деган эди:



“— Мен кўб умримни шу юртнинг тинчлиги ва фуқаронинг осойиши учун сарф қилиб, ўзимга азобдан бошқа ҳеч бир қаноат ҳосил қилолмадим. Иттифоқни не эл эканини билмаган, ёлғиз ўз манфаати шахсияси йўлида бир-бирини еб, ичкан мансабпараст, дунёпараст ва шуҳратпараст муттаҳамлар Туркистон тупроғидан йўқолмай туриб, бизнинг одам бўлишимизга ақлим етмай қолди. Биз шу ҳолда кетадирган, бир-биримизнинг тегимизга сув қуядирган бўлсақ яқиндирки, ўрус истибдоди ўзининг ифлос оёғи билан Туркистонимизни булғатар ва биз бўлсақ ўз қўлимиз билан келгуси наслимизнинг

бўйнига ўрус бўйиндириғини кийдирган бўлармиз. Ўз наслини ўз қўли билан кофир қўлига тутқин қилиб топширқучи — биз кўр ва ақлсиз оталарга худонинг лаънати албатта тушар, ўғлим! Боболарнинг муқаддас гавдаси мадфун Туркистонимизни тўнғузхона қилишига ҳозирланган биз итлар яратгучининг қаҳрига албатта йўлиқармиз! Темур Кўрагон каби доҳийларнинг, Мирзо Бобур каби фотиҳларнинг, Форобий, Улуғбек ва Али Сино каби олимларнинг ўсиб-унган ва нашъу намо қилганлари бир ўлкани ҳалокат чуқурига қараб судрағучи албатта тангрининг қаҳрига сазовордир, ўғлим! Гуноҳсиз бечораларни бўғизлаб, болалар ятимхоналарини вайрон қилғучи золимлар — қуртлар ва қушлар, ердан ўсиб чиққан гиёҳлар қарғишига нишонадир, ўғлим!..”

Шу каби фикрлари учун Қодирий ноҳақ қамалган эди...

Уй-музейни айланиб унда сақланаётган тарихий жиҳозлар, китобу рўзғор жиҳозлари билан танишар эканмиз гўё Абдулла Қодирий билан суҳбатлашгандек бўлдик. Музейдан чиқар эканмиз буюк аждодимизни йўқлаб бир гуруҳ мактаб ва коллеж ўқувчилари кириб келганлиги бизларга бир дунё қувонч бағишлади. Демак, Абдулла Қодирий ёш авлодимиз қалбидан ҳам муносиб ўрин эгаллаб келмоқда...

Носир Тоиров,
Ўзбекистон Журналистлари уюшмаси
аъзоси, меҳнат фахрийси.



ЭЙ, ЮЗЛАРИ НОНДАЙ ИССИҚ, АЗИЗЛАР!



Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али 1942 йил 1 мартда Андижон вилоятининг Шаҳрихон тумани (ҳозирги Бўстон тумани) Бешкал қишлоғида зиёли оилада таваллуд топган. “Сарбадорлар”, “Улуғ салтанат”, “Клеопатра” каби тарихий романлари чоп этилган. “Меҳнат шуҳрати”, “Эл-юрт ҳурмати” орденлари билан тақдирланган, “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси” унвони соҳиби. Айни пайтда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Байналминал ижодий кенгаши раиси.

ВАТАН

Йўлим тушди сендан кўп йироқ,
Ҳузуригга қайтгумдир бироқ.

Ахир айт-чи, бегона элдан
Кимнинг бахти, ҳаёти кулган?

Кўкка отсанг, ҳатто ҳиссиз тош,
Ерга қайтар, олиб кетмас бош...

Кеч кирмоқда, чироқлар чаман,
Руставели бўйлаб юраман.

Учрар таниш, учрар бегона,
Ёхуд ғамгин ва ё шодмона.

Ҳаммасининг сочлари қора,
Кўзи қора, қошлари қора.

Кезаману кўнглим тусайди:
Бари билан таниш бўлсайдим...

ОНА ДУОСИ

Биринг икки бўлсин нима ушласанг,
Йўлларинг оқ бўлсин тоғлар қорича.
Сен ёруғ дунёда тинч юрар бўлсанг,
Мен дуо қиларман умрим борича.

Кўзингда кўрмасам алам ранжини,
Бошингда кўрмасам тумонот савдо,
Олиб бермасанг ҳам олам ганжини,
Сендан онагинанг ризодир, ризо!

Ҳаётинг бемаъно туюлса, болам,
Қоронғи кўринса бу кўхна дунё,
Кетсин деб қалбингдан ер ютқур алам,
Ёришсин дунё деб айларман дуо.

Юрагинг қисилса тақрору тақрор,
Кенгликка чиққин-да, айтгин шўх ўлан,
Бу ҳам ҳасратингга келмаса бакор,
Кўнглингни бўшатгин шеър ёзмоқ билан.

Қадим эртакларни тинглаш создир хўп,
Олтин умрларни унда кўрарсан.
Сеҳрли ҳаётга маҳлиё бўлиб,
Бевош ўйларингни алдаб юрарсан.

Етишсанг, тўй берсанг юртга мабодо,
Жамшид ҳавас қилсин сенинг базмингга.
Номинг дoston бўлиб юрсанг эл аро,
Мурод-мақсадингга етсанг, бас, менга.

Ёмонлар йўлини тутмагил минбаъд,
Фиску фасодлардан нари бўл, тўхлим.
Олгину олдирма, униб-ўс, фақат,
Юзимни ерларга қаратма, ўғлим...

Йўл бўйида турарди тўнка,
Қоқиларди одамлар унга.
У-чи, дилда туярди ғурур:
“Бир чеккада ётсам ҳамки хор,
Одамларга кераклигим бор...
Кетмаётир бекорга умр!”

НОН

Ногоҳон отланса сафарга ўғлон,
Белига онаси тугиб қўяр нон.
Мусофир юртлардан қайтгин, деб, омон,
Ҳамроҳ бўлсин сенга шу нон, нон-иймон.

Меҳмон деса ўзбек кўнгли бўлур чоғ,
Агар келса олис – яқиндан меҳмон,
Тансиқ неъмат бисёр, таом кўп, бироқ,
Дастурхон ёзару аввал қўяр нон.

Қизга совчиликка борилса доим,
Ёшларга бахт тилаб синдирилар нон.
Умрингизни ширин этсин, Худойим,
Нондек азиз этсин шу нон, нон – иймон!

Нон одам юзига ўхшайди, ажаб,
Шундан юзларингиз нондай иссиқ дер,
Ҳазрати Инсонни васф айлаб, алқаб,
Шоир илҳом билан ёзганида шеър...

Сўзни нега чўздим? Оллоҳга шукр,
Қалбларда қайнайди туйғулар, ҳислар...
Сизга боқсам, юзга ёғилади нур,
Эй, юзлари нондай иссиқ, азизлар!

ЎЗИМИЗНИНГ БОЛТА

Битта одам ўғлига дер:
“Ёрмоқ керак тўнкани.
Тез қўшнимиз уйига кир,
Болтасин опчиқ, қани!”

Бир оздан сўнг ўғил қайтар,
Хийла пасайиб тафти:
Қўшниси ҳам роса қайсар,
Болтасини бермапти...

“Оббо хасис, ақли қосир,
Унда инсоф бормиди?
Ишлатгани билан темир
Ейилиб қолармиди?..

Одам бўлмайди-да, баттол,
Очкўз, зиқна, мўлтони!
Майли, ўғлим, опчиқа қол
Ўзимизнинг болтани!

МЕН ЎЗИМ, ЎЗИМ

Ошкор айта қолай, яширмай ҳаргиз:
Сизни суядурган мен ўзим, ўзим.
Ўзбеклар элида биргина, ёлғиз
Сизни деядурган мен ўзим, ўзим.

Неча ойлар ошиб, неча йил ошиб,
Булутдай туташиб, шамолдай шошиб,
Мадҳу мақтовингиз дилимда ташиб,
Элга ёядурган мен ўзим, ўзим.

Етай десам, сизга етиб бўлмаса,
Кетай десам, сиздан кетиб бўлмаса.
Нетай, сифотингиз битиб бўлмаса,
Куйиб-куядурган мен ўзим, ўзим.

Оҳ, десам, оғзимдан сачрайди учқун,
Ер ила самони дуд босгай бутун,
Лекин юрт тақдирин ўйлабон, бугун
Тилин тиядурган мен ўзим, ўзим...

Қаро кўз, мен сизни севармен аён,
Гувоҳлик бергувчи Ер билан Осмон,
Сизга меҳр қўйдим, йўқ энди гумон:
Жондан тўядурган мен ўзим, ўзим!

Муҳаммад Али

ГЎЗАЛ ТАБИАТГА ҲАЙРАТНИ АСРАНГ!



Асрор Мўмин,

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

ТАБИАТ

Сенинг чиройингни кўриб, Табиат,
Мунчоқ кўзларимда уйғонди ҳайрат.
Мени меҳринг билан этдинг тарбият,
Қонимга қуйилди шижоат, ғайрат.

Қулочимни ёзди уфқда камалак,
Тоғингга тикилиб чўзилди бўйим.
Илигимга қувват қўшди сумалак,
Гул-булбул розига мосладим қуйим.

Тангри тоғдан йўлдош бўлдим ирмоққа,
Баъзида сузишсам балиқдан ўтдим.
Сув таралди қанча чаман, гулбоққа,
Охир Аму-Сирдек Оролга етдим.

Яна кўтарилдим мовий самога,
Бетакрор чўл-воҳанг хаёлан қучдим.
Тўймай қараб жаннат мисол маъвога,
Қуш каби Тангри тоғ қўйнига учдим.

Нақадар улугсан, қодир Табиат,
Ҳамиша мўъжизанг уйғотар ҳайрат.
Ўзингдан оламан ҳамон тарбият,
Шукурки, қалбимда сўнмаган ғайрат.

ТАБИИЙ ХИЛҚАТНИ АСРАНГ!

Гўзал табиатга ҳайратни асранг,
Бизга ҳадя барча неъматни асранг,
Дилда доим эзгу байъатни асранг,
Одамлар, табиий хилқатни асранг!

Кўкдан аримасин мусаффо ҳаво,
Боғларда булбуллар куйласин наво,
Излайлик вайронкор урушга даво,
Одамлар, табиий хилқатни асранг!

Муаззам тоғларга файз берсин оху,
Зилол суви бўлсин ҳамиша кўзгу,
Тонгларда йилларни санасин какку,
Одамлар, табиий хилқатни асранг!

Аждодлардан мерос хилқатни асранг,
Авлодларга мерос хилқатни асранг,
Ҳақдай азиз боқий даъватни асранг,
Одамлар, табиий хилқатни асранг!

ФОНИЙЛИК ВА МАНГУЛИК

Ватандин вақт-бевақт одамзот ўтар,
Турфа хил наботот, ҳайвонот ўтар,
Мангудай кўринган мавжудот ўтар,
Тоғдай сукут сақлаб кузатар Ватан!

Ватан осмонида порлар ахтарлар,
Қуёшни етаклаб келар саҳарлар,
Уйғонар одамлар, қишлоқ-шаҳарлар,
Тоғдай сукут сақлаб кузатар Ватан!

Қалбларни ёритган орзу яшайди,
Самога йўлланган ёху яшайди,
Олам мўъжизаси оху яшайди,
Тоғдай сукут сақлаб кузатар Ватан!

Биздан мерос бўлар не этсак бунёд –
Умри боқий нарсаси қилолсак ижод.

Изимизни босар келгуси авлод,
Тоғдай сукут сақлаб кузатар Ватан!

Яшайди қолдирса кимки яхши ном,
Унга кўрсатилар ҳурмат-эҳтиром,
Боғда Мезбон кутар айтганча салом,
Тоғдай сукут сақлаб кузатар Ватан!

Ҳозир Ватанимга қўшиқ битарман,
Бир кун булут билан бирга йитарман,
Бағрига ёмғирдай сингиб кетарман,
Тоғдай сукут сақлаб кузатар Ватан!

ИЗҲОР

Деразам ёнида ўсарди дарахт,
Қуёш нурин тўсиб, менга шох чўзди.
Эрта-кеч демасдан шамол турган вақт,
Деразамни чертиб тинчимни бузди.

Бундан жаҳлим чиқди, ўйламай бир дам
Арралаб ташладим дарахт шохини.
Балки бўлмоқчийди мен билан ҳамдам,
Балки айтмоқчийди менга оҳини.

Энди қилмишимдан бўлмай пушаймон,
Дарахт юз ўгирди умидин узиб.
Гўё, дарахт мендан арз қилар нолон,
Қуёш томон қолган шохларин чўзиб.

Эй, жумлайи жаҳон, бўлингиз огоҳ:
Кимки дўст бўлай деб менга чўзса қўл,
Шу қуёш, шу дарахт, шу шеърим гувоҳ,
Доим юрагимга ланг очиқдир йўл.

ҲИДОЯТ

Ҳаёт! Тонгни қарши олганим ҳаққи,
Беадад шукрона айтаман сенга.
Кўнглимда жўшади яшамоқ шавқи,
Кўрсатганинг шудир ҳидоят менга.

Ўзинг мушкулимга изладинг чора,
Шодлик шаробидан роса ичирдинг.
Ҳижрон даштларида этмай овора,
Севги осмонида баланд учирдинг.

Агар сув сўрасам, гулоб тутқаздинг,
Агар нон сўрасам, бердинг ҳолвани.
Ризвон боғларига ўнгда етказдинг,
Ва қўйнимга солдинг нақш олмани.

Баногоҳ бошимга тушганда кулфат,
Садоқатли дўстдай айладинг вафо.
Ёришди йўлимни қоплаган зулмат,
Айрилиқ дардига вақт топди даво.

Ҳаёт! Тонгни қарши олганим ҳаққи,
Беадад шукрона айтаман сенга.
Кўнглимда жўшади шеърият шавқи,
Кўрсатганинг шудир ҳидоят менга.

КУТИШ

Бўй чўзиб майсалар ўқир саловот,
Шукрона қилади бўртик куртаклар.
Ҳамд-сано айтади чексиз самовот,
Тиловат қайтарар митти гўдаклар.

Шунчалар мукаммал кўҳна бу олам,
Йўлларда бенажот қолмас одамзот.
Тушундим, бошимга тушганда алам,
Дунёга сен келиб сўрабсан имдод.

Сен билан майсалар ўқир саловот,
Сен билан шукрона қилади куртак.
Юксакда ҳамд-сано айтар самовот,
Қўлингда тиловат қайтарар гўдак.

Мени балолардан сақлайсан ҳамон,
Ҳамиша меҳрингни сезиб турибман.
Қисмат чизгисига келтириб иймон,
Ширин висол кунни кутиб юрибман.

ГЎЗАЛ

Сизнинг ташрифингиз тонгнинг ҳавоси,
Ширин овозингиз булбул навоси,
Назар-нафасингиз дардим давоси,
Васфингизга ожиз шеър, дoston, ғазал,
Сиз шеърий сўзлардан юз бора гўзал.

Мўъжиза ўзича бўлмайди пайдо,
Ўзимча мен сизга бўлмадим шайдо,

Ҳижронда Мажнундай изламай байдо,
Бизга юзлашмоқлик ёзилган азал,
Сиз шеърий сўзлардан юз бора гўзал.

Сиз юрак тўримда асраган орзу,
Сиз Тур тоғида бир кўринган оху,
Сиз дилимда такрор энг эзгу ёху,
Исмингиз тилимдан тушмас бол масал,
Сиз шеърий сўзлардан юз бора гўзал.

Сиз мовий осмонда порлаган офтоб,
Сиз қаро тунларим ёритган моҳтоб,
Сиз бир умр ўқишим шарт бўлган китоб,
Сиз мен учун пари, малакдан афзал,
Сиз шеърий сўзлардан юз бора гўзал.
Яккаю яғонам, танҳо жононим,
Сизга бахшидадир омонат жоним,
Ўзингизга садқа икки жаҳоним,
Маҳрингизга етмас олмос, ёқут, лаъл,
Сиз шеърий сўзлардан юз бора гўзал.

Йўлларда кимгадир ризқинг қўшилар,
Ким биландир боринг кўрасан баҳам.
Юкинг енгиллатар яхши кишилар,
Топилар ранжитиб кетгувчилар ҳам.

Бир-бир кечаверар ғанимат дамлар,
Хоҳ яхшилик қилгин, хоҳи ёмонлик
Ўзингизга инсоф берсин одамлар,
Ишқилиб, дунёда бўлсин омонлик.

Бу ҳақиқат ўхшар эртакка,
Жудо бўлса жуфтидан лочин,
Чарчаганча учар юсакка,
Сўнг шўнғийди йиғиб қанотин...

Сен туфайли чиқдим юсакка,
Агар ташлаб кетсанг сарвиноз,

Бу айрилиқ сиғмас юракка,
Умрим тугар лочинларга хос.

Менинг қандай қилиб айтганим бўлсин,
Истасам, тошларда унишини гул.
Менинг қандай қилиб айтганим бўлсин,
Истасам, гуриллаб ёнишини кул...

Саҳронинг раъноси саксовул бўлур,
Тўқайнинг савъаси қирғовул бўлур.
Хивични от қилиб минган болакай,
Отлиқ йўқ маҳалда эровул бўлур.

Тоғдаги айиқни бизники деймиз,
Сувдаги балиқни бизники деймиз.
Бундайин насия гапларни қўйинг,
Қачон ҳалқумдаги луқмани еймиз?!

Охуни изласам эмасман сайёд,
Ахир, оху билан гўзалдир ҳаёт.
Агарда кўрмасам оху кўзлини,
Ярадор охудай чекаман фарёд.

Мол-давлатнинг хасча вазни йўқ менга,
Шон-шуҳратнинг хасча вазни йўқ менга.
Ҳар қадамда Оллоҳ қўллаб турса бас,
Фисқ-туҳматнинг хасча вазни йўқ менга.

Шошганча айланар сония мили,
Шундай тез ўтади умр кун, ой, йили.
Шу боис яхшилик қилишга шошил,
Чирт узилмай туриб ҳаётинг қили.



ҚИНАБЕК ОТАНИ УНУТМОҚ ОСОНМАС

Ўзбек халқининг сеvimли кўшиқчиси Охунжон Мадалиев “Унутмоқ осонмас бизларни” деб куйлаганида кўз олдимдан кўплаб яхши инсонларнинг чеҳраси бирма-бир ўтаверади. Ростини ҳам, ҳофизимиз куйлаганидек унутиб бўлмайдиган инсонлар ораминда яшаб ўтишган. Унутиб бўлмас инсонлар номи қаторида ўзбегимнинг қозоқ фарзанди, Меҳнат қаҳрамони, Улуғ ватан уруши қатнашчиси Қинабек Уқубоев исмини ҳам тилга оламан. Қинабек ота ҳаёт бўлганларида шу йили 9 май санасида 110 ёшни қаршилаган бўларди.

Қинабек Уқубоев ҳаёт йўли ёш авлод учун ибратли ва ҳавас қиларлидир. Жамоа хўжалиги бригадирлигидан Мирзачўл туманининг биринчи раҳбари, сўнгра Бўстонлиқ туманининг биринчи раҳбари лавозимларига кўнган машаққатли йўлни босиб ўтган арбобнинг умр йўлига ҳавас билан қарайман. Сабаби, болалигимдан Қинабек Уқубоевни ким эканлигини, нима ишлар қилганлигини яхши биламан. Чунки, бувижоним Тоҳирахон Мўминхўжа қизи бу ажойиб инсон ҳақида кўп сўзлаб берардилар. “Меҳмондўст, чин дўст, яхши инсон” деб таърифлар эдилар. Қадимдан, ўзбек ва қозоқ халқлари бир майизни қирқ бўлиб тинч ва тотувликда яшаб келаётганлигини, қозоқларни энг яқин дўстимиз эканлигини

айтар эдилар. Мисол сифатида Абдулҳай Тоиров ва Қинабек Уқубоев дўстлигини тилга олар эдилар. Ўша ҳикояларни деб бувам Абдулҳажон Тоировнинг акалари, Катта адамиз Абдулҳайжон Тоировнинг чин дўсти Уқубой отага бўлган ҳурматим ошган. Ўзбек ва қозоқ халқлари дўстлигининг пойдевори Абдулҳай ота ва Қинабек отанинг дўстлигидан барпо бўлган десам хато бўлмайди. Бу икки дўстнинг мустаҳкам дўстлигига Сирдарё вилоятининг Мирзачўл аталмуш ҳудудида (ҳозирги Гулистон шаҳри) пойдевор қўйилган. Бу икки чин дўстни Сирдарёликлар бугунги кунда ҳам яхши хотиралар билан эслаётгани кувонарли ҳодисадир.

Яқиндагина, 2022 йилнинг октябрь ойида бувамиз Абдулҳай Тоировнинг 110 йиллиги муносабати билан Оқолтин туманида хотира тадбири ўтказилган бўлса, 2023 йилнинг 6 май куни Оқолтин туманининг маркази Сардобада жойлашган Қинабек Уқубоев бюсти пойида Қинабек отанинг номи, бу инсон амалга оширган эзгу ишлари катта авлод вакиллари томонидан ёдга олинди. Ушбу тадбирда иштирок этиш мен учун ҳам катта ибрат мактаби бўлди. Қинабек Уқубоев ҳақларида бувижонимдан эшитганларимга қўшимча яна кўплаб маълумотларга эга бўлдим.



Тадбирда Сирдарё вилояти ҳокими Акмалжон Махмудалиев ҳам иштирок этиб, барча меҳмонларни Сирдарё вилояти ташкил топганлигига 60 йил тўлиши муносабати билан муборақбод этди. Қинабек отадек фидойи инсонларни хотирлаш келажак авлод учун тарбиявий аҳамиятга эгалигини, ушбу тадбир Қинабек Уқубоевни хотирлаш тадбиригина бўлмай, ўзбек ва қозоқ халқлари ўртасидаги дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамланиши йўлидаги катта қадам эканлигини таъкидлади. Шунингдек, таниқли журналист, Ўзбекистон Нуронийлар жамғармаси раисининг биринчи ўринбосари Шароф Убайдуллаев, Қозоғистон Республикасининг Ўзбекистондаги фавқуллод ва мухтор элчиси Бейбут Атамқулов, Қинабек Уқубоевнинг фарзанди Марат Уқубоев ҳам тўлқинланиб нутқ сўзлашди. Бу каби тадбирларни ташкиллаштиришга имкон яратган Юртбошимиз Шавкат Миромонович Мирзиёевга миннатдорлик билдиришди.

Хотира тадбири давомида Қинабек Уқубоев музейи билан ҳам танишилди. Ташриф буюрган меҳмонларга Қинабек Уқубоев ҳаёт йўли ёритилган “Мирзачўл бунёдкори” китоби тўхфа қилинди. Ушбу китоб аввал “Қинабекнома” номи билан қозоқ тилида чоп этилган эди. Китоб ўзбек тилига таржима қилинганлиги барча учун кутилмаган совға бўлди. Китобни варақлар эканман, мен учун маълум бўлмаган маълумотларга, тарихий воқеаларга кўзим тушди. Айниқса, ўз дўстлари ҳақидаги хотиралар мени бефарқ қолдирмади. Жонидан ортиқ кўрган дўсти Абдулҳай Тоиров ҳақларидаги хотиралари мени фарзанд сифатида фахрланишимга сабаб бўлди. “Ҳаёт тасодифларгатўла” деб дўсти ҳақидаги хотирани китобхонларга улаша бошлайди Қинабек

Уқубоев. “А.Тоиров билан ҳам тасодифан раҳбар кадрлар тайёрлаш курсларида танишганман. Аслида у пахтачилик, мен бўлсам кенгашлар хизматида боғлиқ қисқа муддатли курсларда ўқирдик. Биз тез-тез учрашиб турдик ва ўзаро дўстлигимиз давом этаверди.

1946 йилнинг сентябрь ойида мен Мирзачўл туман партия қўмитаси биринчи котибининг ҳузурига чақирилдим. Борсам, туманнинг биринчи раҳбари А.Тоиров экан. Қучоқ ёйиб саломлашдик, ҳол-аҳвол сўрашиб, узоқ суҳбатлашдик. Мен улуғ Ватан урушидан эндиgina қайтган пайтим бўлиб, шу вақтда туманимизга ўзимнинг эски дўстим А. Тоировнинг бошчилик қилаётганини билиб, сўзнинг рости – қувондим” деб ёзади Қинабек ота ўз хотирасида.

Бугунгикундабуваларимизбошлабберган тарихий дўстлик Марат Уқубоев, Нурлибек ва Мирзабек Уқубоевлар билан биргаликда биз Абдулҳай Тоировнинг фарзандлари томонидан давом эттирилмоқда.

Хотирлаш тадбирида иштирок этиб, Қинабек отадек инсонларни исмини, бу инсоннинг атрофдагиларга қилган яхшиликларини унутиш осон эмаслигига яна бир бора амин бўлдим. Инсонни “унутувчи” дейдилар. Аслида эса, инсонлар ҳеч қачон унутмас экан. Яхшиларни, улар қилган яхшиликларни инсонлар ёдда сақлашига Оқолтин туманида бўлиб ўтган хотира тадбирида иштирок этиб яна бир бора гувоҳи бўлдим. Мен ҳам бобом Абдулҳай Тоиров ва Қинабек ота Уқубоевнинг номларини ҳамиша ёдда тутаман, унутмайман.

Алишер Тоиров

BIR TARIX, MILLON TAQDIR...

Yuldasheva Quvonchoy,

UrDU Adabiyotshunoslik yo'nalishi magistri

Sho'rolar davridagi O'zbekiston tarixining qaysi qismiga nazar tashlamaylik, ular o'zbekning yerosti-yu yerusti boyliklarini olib ketish bilan bir qatorda, peshqadam vakillarini turli bahonalar bilan qirib ketganiga guvoh bo'lamiz. Sovet hokimiyati markazdan turib O'zbekistonga o'zining ko'pgina vakillarini boshliq lavozimlariga jo'natib turdi. Bundan asosiy maqsad esa o'lkada bo'layotgan ijtimoiy-siyosiy o'zgarishlardan xabardor bo'lib turish edi. Bu davrda turli ijtimoiy-siyosiy, g'oyaviy-diniy masalalar sabab qilinib millionlab begunoh insonlar qatag'onga uchradi. Achinarlisi shundaki, qatag'on qilingan insonlarning katta ko'pchiligi ma'rifatli, ziyoli qatlam vakillari edi. Ziyoli kadrlar, o'z yurti manfaati va erk-soyishtaligi yo'lida xizmat qilayotgan, bor haqiqatni qo'rqmasdan baralla aytishga jur'at topadigan mas'ul xodimlar birinchilardan bo'lib qotillar qurboniga aylanishdi. Qatag'on siyosati Stalin va undan keyingi davrlarda ham davom etgan. Qatag'on siyosati qurbonlariga aylangan shaxslar to'g'risida ma'lumotlar juda kam yetib kelgan. Manbalarda ta'kidlanishicha, bu siyosat 1921-yilda boshlangan va 1980-yillarga qadar davom etgan. Bu vaqt mobaynida esa qariyb to'rt milliondan ortiq inson begunoh ayblanib turli yo'llar bilan yo'q qilib yuborilgan. O'sib kelayotgan millatning yosh kadrlarini qoralash, yurt fidoyilarini hokimiyatdan olib tashlash uchun markaz tomonidan ularga "Inog'omovchilar", "18 lar guruhi", "Qosimovchilar" degan taqma nomlar berildi, harakatlari millatchilik, og'machilik deb baholandi, "aksilinqilobchi", "xalq dushmani", "burjua malayi" kabi asossiz bo'htonlar bilan faoliyatlarini tugatishga harakat qilindi. Tarixiy faktlarni o'rganar ekanmiz, ushbu guruhlariga aloqador kishilarning birontasi faoliyatida millatga qarshi xatti-harakatlarni ko'rmaymiz. Hujjatli filmlarda ham ularning naqadar insoniy fazilat sohibi ekanliklariga guvoh

bo'lamiz. "18 lar guruhi" M.Saidjonov, I.Xidiraliyev, Eshonov, R.Rahimboboyev va U.Ashurovlardan iborat bo'lgan. Bu guruh vakillariga yer-suv islohotiga qarshi chiqqanlar, boy-quloqlarga xizmat qilganlar va millatchilik g'oyalarini tashiganlar, deb qaralgan. Aslida esa ular sovet siyosatiga, uning shovinistik qarashlariga qarshi turib, haqqoniylik tamoyillarini himoya qilishgan. "Qosimovchilar" va "Inog'omovchilar" haqidagi tarixiy haqiqatlar ham yuzaga chiqqach, Sovet siyosatining naqadar chirkinlik botqog'iga botganini ko'ramiz.

O'tmishdan bilamizki, Rahim Inog'omov O'zbekiston SSR Maorif Xalq Komissari lavozimida faoliyat yuritib kelgan. Bir qancha chiqishlarida O'zbekiston Kompartiyasining o'zi mustaqil faoliyat yurita olmayotganidan shikoyat qiladi, qolaversa, Sovet tizimiga ochiqdan ochiq norozilik bildiradi. Bu holat tabiiyki, SSR mutasaddilariga yoqmaydi. Tez orada R.Inog'omov va uning tarafdorlari bo'lgan N.Mavlonbekov, T.Isamammedov, M.Aliyev singari mas'ul xodimlar o'z vazifalaridan chetlashtirilish bilan birga og'machilik, guruhbozlikda ayblanadi. 1927-yilda bu "guruh" faoliyatiga majburiy ravishda nuqta qo'yiladi.

S.Qosimov va uning maslakdoslari jami 7 kishi "Qosimovchilar" nomi ostida 1929-yilda "bosmachilik" harakatini qo'llab -quvvatlaganikda ayblanib qamoqqa olinadi. Guruhning 4 a'zosi asossiz bo'htonlar bilan ayblanib otib tashlanadi. Qolgani esa uzoq muddatli qamoq va surgun jazolariga loyiq topiladi. Mustabid tizim tarafdorlarining asosiy maqsadi O'zbekiston singari rivojlanib kelayotgan davlat mutasaddilarini, ishchi xodimlarini qattiq itoatda tutishdan iborat edi va buni amalga oshirishda doimiy chora-tadbirlar ko'rib borilgan. O'zbekiston erki uchun, xalq baxt-u iqboli uchun mehnat qilib



kelayotgan o'zbekning asl farzandlari bo'lmish Fayzulla Xo'jayev, Isroil Ortiqov, Abdulla Karimovlar hayoti qatag'on siyosati natijasida ayanchli yakun topdi.

Qolaversa, o'zbek adabiyotining yetuk namoyandalari hisoblangan noyob iste'dod sohiblari Abdurauf Fitrat, Cho'lpon, Abdulla Qodiriy, Usmon Nosir, Mahmud Xodiyev, G'ozir Yunus, Elbek singari qalamkashlar turli tuhmatlar asosida "xalq dushmani" deb topildi va jismonan yo'q qilindi. Umuman olganda, Sovet hukumati ziyolilarni qamashi uchun hech qanday sabab kerak bo'lmagan. Istagan bahonasi bilan yo'q qilish payida bo'lgan. Cho'lpon, A.Abduahmedov, Mirzakalon, Shuhrat va Shukrullolar 25 yil qamoq jazosiga mahkum etilgan. Bu siyosatdan milliy ziyolilar eng ko'p aziyat chekdi. Totalitar rejim mutasaddilari o'zlari jaholatga mukkasidan ketgan, ilmsiz kimsalar bo'lgani uchun, ilm-u ma'rifat, ziyo tarqatuvchi insonlardan nafratlanishgan. Ularni qadrlash, e'zozlash o'rniga kamsitish va siquv ostida tutishgan. Xususan, "Milliy istiqlol" tashkiloti rahnamosi Munavvarqori Abdurashidxonov va uning 80 dan ortiq maslakdosh shogirtlari "xalq dushmani" sifatida qoralanib, og'ir jazolarga mahkum etilgan. Yoki bo'lmasa, butun umrini xalq ma'orifi yo'lida sarflagan, ellikdan ortiq kitoblar muallifi G'ozir Olim Yunusov ham doimiy ta'qiq va tahqirlar natijasida qatag'on qurboniga aylandi. Ma'rifiy faoliyatini o'z qishlog'iga ziyo tarqatishdan boshlagan, eski maktablardan ancha farqli yangi turdagi maktab ochgan, nafaqat o'sha davr uchun, qolaversa,

bugungi kun uchun noyob iqtidor egasi Is'hoqxon Ibratning ham hayoti ancha tahlikali o'tdi. 1935-yilda u hamma lavozimlaridan ozod etildi va 1937- yilda 75 yoshli kekxa ma'rifatparvar hibsga olindi. Ibrat Andijon turmasida vafot etgani haqida ma'lumot bor, ammo, qabri qayerda ekanligi haligacha jumboq. Ibrat butun faoliyati davomida nafaqat siyosatda, balki ma'rifat sohasi uchun juda qimmatli ishlarni qildi. 9 yillik sayohatlari va tajribalari asosida ma'orifni yuksaltirdi. Bu haqida shoirning o'zi:

Maqsad bu ishdin erdi olamg'a ilm qasri,
Ham qo'ymoqqa asarlar yod ovozi jahona.
Bizdin keyingilar ko'p ilmu hunar toparlar,
Hayfoki, anda biz yo'q, e'timodxona.
Olamdin ushbu ona sonsiz kishilar o'tdi,
Mingdin biri qo'yubdur olamg'a nishona...

Deydi. Darhaqiqat, insonni dunyoga kelishidan ma'ni o'zidan yaxshi nom qoldirishdir. Is'hoqxon bu yo'lda ancha ibratli yo'llarni bosib o'ta oldi.

Bu davrda insonni qoralash, peshonasiga "bosqinchi", "xalq dushmani" kabi nomlarni tamg'alash juda osonlikcha amalga oshirilgan. Sovet hokimiyati to'satdan tintuvlar uyushtirib turgan. Tintuvlar natijasida biror bir uydan arab tilidagi kitoblar topilgudek bo'lsa, o'sha xonadon vakillarining barchasi yot g'oyalarni tashishda ayblanib uzoq muddatli qamoq yoki surgun jazolariga mahkum etilgan. O'lis va sovuq o'lkalarga surgunga yuborilgan mazlumlarning katta ko'pchiligi ochlik va qahratondan qirilib ketgan. Ba'zilar surgun joyiga yetmasdanoq o'ldirib yuborilgan.

Ayrim tarixshunos olimlar asr boshida boshlangan “qatl” siyosati to 80-yillarga qadar davom etganini aytishadi. 70-yillarga kelib Sovet mexanizmi qatag’onning boshqacha usulini, ya’ni o’ziga yoqmagan shaxsni avtomobil falokatlarini uyushtirgan holatda yo’q qilishni qo’llay boshlaydi. Yoki 80-yillar o’rtalarida avj ola boshlagan “paxta ishi” siyosati ham qatag’onning boshqacha bir shakli edi. Bu jarayon 90-yillar boshiga qadar davom etdi.

Shuni ham inobatga olmoq lozimki, O’zbekistondagi “qatli om” siyosati ijrochilarining katta ko’pchiligini o’zga millat vakillari tashkil qilgan. O’ylaymizki, boshqa sobiq ittifoqdosh o’lkalardagi qatag’on siyosati ijrochilari orasida o’zbek millatining “vakillari” ko’proq bo’lsa kerak. Chunki, qatli om rahnamolari xalqlarni bir-biriga gij-gijlash maqsadida aynan mana shu “almashlab ekish” usulini qo’llashgan. Buning natijasida esa 70 yildan ziyod vaqt mobaynida bir-biriga do’st bo’lib yashab kelayotgan turli millat vakillari bir-biri bilan yovlashdi. Qatag’on asnosida rus, arman, tatar, gurji va boshqa xalqlarga ham o’zbekning boshiga tushganidan kam sitamlar tushmadi. Zotan, Abdulla Qodiriy aytganidek: “Kulfatning millati bo’lmas”¹. Kulfat keltiruvchining ham millati bo’lmaydi. Bunday kimsalardan har qanday millat yuz o’girishi turgan gap...

Hammani qo’ymadi o’z holig’a, tashvishlar soldi,

Mushavvash aylagan bu ahli dunlardan qalaysizlar?

Bosib xalqi jahonni ayladi toroj o’g’rilar,

Salomat yotdingizmu, bo’yla tunlardan qalaysizlar?

Yuqoridagi misralarda xalq boshiga kulfat solgan, ko’plab oilalarni parokanda qilgan, jigarlarni bir-biridan ayro qoldirgan ana shu sovet istilochilaridan bahs qilinmoqda.

Tarixshunos Sirojiddin Ahmadning fikrlariga ko’ra, sho’rolar hukumatining parokanda bo’lishini, tarqalib ketishi haqida 20-30-yillarda qatag’onga

uchragan Munavvarqori Abdurashidxonov, Ubaydulla

Asadullaxo’jayev, Salimxon Tillaxonov singari siymolarimiz o’sha davrning o’zidayoq bashorat qilishgan edi. Mana oradan 70 yil o’tar-o’tmas ularning so’zlari butkul amalga oshdi. Ya’ni, sho’rolar hukumati ich-ichidan yemirilib ketdi. Ular jabr bilan barpo etgan hokimiyat parchalanib ketdi. Sababi, zulm asosiga qurilgan har qanday munosabat kun kelib fojiona yakun topadi. Bu tarixiy haqiqatdir.

Sovetcha qatag’on O’zbekiston hayotining deyarli barcha tarmoqlari uchun ko’plab yo’qotishlarga sabab bo’ldi. Bu davr millionlangan insonlar taqdirida asoratli iz qoldirdi. Ammo, shunga qaramasdan, elimiz o’z irodasiga suyangan holda, qaddini bukmadan, charag’on kunlar kelishi umidi bilan oldinga intilib yashadi. O’zbek xalqi stalinch zulmning barcha turlariga dosh berib, o’z milliy qadriyatlarini, diniy e’tiqodini, ma’naviy olamini saqlab qola oldi.

O’zbek xalqining butun armonlari keyinchalik shoir-yozuvchilar tomonidan qalamga olindi, misralarga joylandi. O’tmishimizning qora kunlaridan hikoya qiluvchi yetuk asarlar yaratildi. Xalqimiz matonati shoirlar tilida baralla yangradi. Shu o’rinda shoir Muhammad Yusufning quyidagi misralari yodimga tushadi:

O’tmishingni o’ylab og’riydi jonim,

Ko’ksing to’la shahid o’g’lonlaring bor...

Aybin bilmay ketgan Akmal Ikromlar

Fayzulladek mard-u maydonlaring bor...

Har bir millat o’z qadriyatlariga ega. Tariximiz zamirida esa milliy o’zlikni anglash, qadriyatlarga sadoqat, ajdodlar ruhiga ehtirom tuyg’ulari mujassamdir. Biz milliy istiqlol davri insonlari sifatida xalqimiz erk-ozodligi yo’lida shahid ketgan aziz insonlar xotirasini doimo qalbimizda asramog’imiz kerak. Bu biz uchun katta farzdir. Xususan, 2001-yildan e’tiboran har yili 31-avgust sanasida – Qatag’on qurbonlari xotirasi yod etilmoqda va bu kun keng ko’lamda nishonlab kelinmoqda. Bundan tashqari, “Shahidlar xotirasi” jamoat fondi tashkil etildi. Qatag’on qurbonlari uchun alohida muzey

¹ A.Qodiriy. «O’tkan kunlar» roman.




barpo etildi. Viloyatlarda oliy ta'lim muassasalari qoshida ushbu muzeyning bo'limlari o'z faoliyatini boshladi.

Madaniy merosi hozirgi kun uchun ham dasturamal bo'lib kelayotgan A.Avloniy, A.Fitrat, M.Behbudiy, Cho'lpon, Qodiriy kabi ma'rifatparvar bobolarimiz xotirasi uchun muhshatasham haykallar, muzeylar barpo etildi. Qatag'on yillarida nohaq ayblangan ajdodlarimiz faoliyati o'rganilib, nomlari qayta tiklandi. Ular qoldirgan adabiy-badiiy meroslar keng jamoatchilikka taqdim etildi va ular yuzasidan ilmiy tadqiqot ishlari olib borildi. Bu faktlar asosida badiiy va hujjatli filmlar yaratildi.

Qatag'on qurbonlari faoliyati tarixiy jihatdan o'rganilar ekan, yurtimiz istiqloлга og'ir va mashaqqatli sinovlar natijasida erishganiga guvoh bo'lamiz. Osoyishta zaminni asrab-avaylamog'imiz kerakligini tushunib yetamiz. Bu borada qilingan hayrli ishlar hozirgacha davom etib kelmoqda. Qatag'on qurbonlari bilan bog'liq haqiqatni tiklash va nomlarini ulug'lash maqsadida Davlatimiz rahbari farmoni bilan ishchi guruh tuzildi. Ushbu farmoyishda ishchi guruh xalqning istak va xohishlarini inobatga olgan holda ish olib borishi nazarda tutildi. Bundan tashqari ishchi guruh qatag'on qurbonlarining nomlarini aniqlab, ularning siyosiy faoliyatlarini o'rgandi, arxivda saqlangan hujjatlar tahlil qilib borildi. Qatag'on qurbonlarining avlodlari bilan uchrashuvlar o'tkazilib, ular haqida ma'lumotlar to'plandi. Nomlari aniqlangan qatag'on qurbonlari Toshkent shahridagi "Shahidlar xotirasi" ramziy majmuasidagi kitob sahifalariga kiritildi. Bundan ko'zlangan maqsad "Qatag'on qurbonlari" uchun alohida ko'pjildlik kitob chop etishdan iborat edi.

Asli mukarram qilib yaratilgan inson zoti doimiy hurmat va ehtiromga loyiqdir. Ayniqsa, hayotiy dunyoda yashab, o'zidan yaxshiliklar qoldirgan, xalqning xizmatida kamarbasta turib, bu foni dunyodan rihlat manziliga ketgan ajdodlarimizni eslash, nomlarini ulug'lash har bittamizning oliy burchimizdir. Zeroki, o'tganlarni yod etish va ularga istig'for aytish, qabrlarini ziyorat qilish, haqlariga duolar o'qish insoniyligimiz oldidagi ilk qasamimizdir.

“ТАФАККУР ДУРДОНАЛАРИ”



Яқинда тажрибали журналист, публицист ва шоир Маҳмудхон ТОИРОВнинг “Тафаккур дурдоналари” номли китоби нашр этилди. Унда муаллиф турли даврларда эшитган, ён дафтарида қайд этиб борган фикрларни қоғозга туширишга ҳаракат қилган. Китобдан ўрин олган битиклар муаллифнинг илгари нашрдан чиққан китобларида ҳам чоп этилган эди. Улардан фарқли ўлароқ ушбу китобдан жой олган битиклар қайта ишланиб, маромига етказилганлиги ҳамда битта тизимга туширилганлиги билан эътиборга лойиқдир. Бу ўқувчи учун уни қизиқтирган мавзунини тез топиши учун анча қулайлик яратган. Асарнинг лотин алифбосида чоп этилиши мустақиллик йилларида ўқиб вояга етган ёш авлод вакиллари учун маъқул бўлади деган ниятдамиз.

Мундарижага кўз ташлар экансиз, унда фикрлар хилма-хиллигига гувоҳ бўласиз. Чунончи, муаллиф ўз битикларида Ватанга муҳаббат ва дўстлик ҳақида, орзу-умидлар ва мақсадлар ҳақида, камсуханлик ва сергаплик ҳақида, эзгулик ва ёвузлик ҳақида, шукроналик ва нафс ҳақида,

маънавият ва маърифат ҳақида, қўйингчи ҳаётда учрайдиган ҳар қандай масалага оид битикларни жамлаган.


Китобнинг яна бир эътиборли жиҳати, бу унда жойлаштирилган тақриз, таҳлил ва таклифлардир. Муаллиф тақризчиларнинг фикр-мулоҳазаларини китобга борлигича жойлаштирар экан, уларда таҳлиллар ҳам таклифлар ҳам борлигига амин бўласиз. Тақризчилар орасида тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Журналистлари уюшмаси собиқ раиси Собир Қурбонов, шоир, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Нуруллоҳ Остон, шоир, “Ўзбекистонда хизмат курсатган маданият ходими”, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Бобур Бобомурод, шоир, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, “Дўстлик” ордени соҳиби Чоршам Рўзиев каби таниқли адиблар бор.

Собир Қурбонов муаллифнинг асарларига муносабатини билдирад экан, жумладан шундай ёзади: “Муаллифнинг ушбу миниатюра кўринишдаги асарларининг муҳим жиҳати, ундаги ибораларнинг долзарблиги ва ўз вақтида ёзилганлигидир...”. Тақризчилар орасидан жой олган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира Шукржон Жаббарова (Жозиба) эса шундай ёзади: “... Кенг оламда Маҳмудхон Тоировнинг фалсафий теран асарлари эҳтимол асрлардан асрларга ўтиб дунё халқларига ҳам етиб борар. Ҳар бир китоб қатидан нур сочиб турса, ва бу нур эзгулик нури бўлса, ёйилиб яшнаса қанийди. М.Тоировга ўзбегимнинг фарзандларини, ҳамжамиятимиз келажагини оқил ва тадбирли, мушоҳадали бўлишга чорлаган бадий савияси пухта китоблар яратаверишида омад ва соғ омонлик тилаб қоламиз.”

Биз ҳам ушбу тилакларга тўлалигича қўшиламиз.

Сирожиiddин Рустамов,
Турон ФА фахрий аъзоси,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси
аъзоси.

ҲИКМАТГА ЙЎҒРИЛГАН ҲАЁТ



Кувончой ЙЎЛДОШЕВА,

Урганч давлат университетининг Ўзбек
адабиётшунослиги йўналиши бўйича
магистранти.

Ҳар битта ижодкор алоҳида бир оламдир. Ижодкор асарларида бўй кўрсатадиган ҳаётий ҳақиқатлар, аслида, шу оламнинг ўзига хос манзараларидир. Ижодкор психологияси билан шуғулланувчи бир қатор олимларнинг фикрига кўра, бирор бир асарни бутунлигича таҳлил қилиши учун тадқиқотчи ўша асар муаллифининг хулқ-атвори, характери, фикрий дунёси, биографияси ҳамда болаликда тарбияланган оилавий муҳити ҳақида етарлича маълумотларга эга бўлиши керак. Баъзи адабиётшунослар шоир ёки ёзувчилар асарлари тадқиқи асносида ўша ижодкорнинг шахсий кутубхонаси ёки қизиқишларини ҳам ўрганишган. Сабаби, бадиий асар қайси пайт ва қандай шароитда ёзилишидан қатъий назар ижодкор унга ўз шахсиятининг субъектив томонларини сингдиради. Барча санъат соҳаларида инсон руҳияти бош омил ҳисобланади. Руҳиятнинг бепоён, жўшқин ёки тушкун ҳолатларини тасвирлаш эса ҳар бир ижодкорнинг асосий мақсадидир ва ўз санъат асари орқали танлаган образларининг психологик кечинмаларини акс эттиради. Ижод кишилари тафаккур ва руҳият воситасида ўзларининг борлиқ ҳақидаги тасаввурларини бизга қайсидир бир кўринишда етказишга ҳаракат қилишади. Шу сабабли туғилган ҳар битта асарга муаллифнинг руҳий қуввати сингади.

Тирик жон борки, эрка, озодликка ташна яшайди. Хусусан, ижод аҳли учун ҳам бирламчи восита бу — эркинлик. Киши ўзини муҳит ичкарасида эркин ҳис қилмас экан, ҳар қандай истеъдод ҳам узоққа бормади. Ижод гулшанига

кириб келган барча талант соҳибларида ўзига хос дунёқараш ва эркин фикрий қобилият бўлиши лозим. Акс ҳолда, ижодий ўзгаришлар бўлмайди, нурли чўққиларга кўтарила олмайди. Бу ҳолат нафақат ижодкорлар учун, балки бутун инсоният учун ҳам муҳим омилдир.

Эрк-озодлик ҳақида сўз борар экан бевосита Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг икки мисра шеъри ёдимга тушади:

**Келди очилур чоғинг,
Ўзлигинг намоён қил!**

Ҳа, ҳозирги кунда бадиий ижод эркинлиги санъат ва маданиятнинг барча соҳаларида кўзга ташланмоқда. Ижод аҳли учун етарлича эркинлик берилмоқда ва улар турли мавзуларда бемалол ўз мулоҳазаларини билдиришмоқда. Хусусан, юртимизда бадиий ижод эркинлигини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор мақсадига айланиб бормоқда ва бу жараённинг конституцион тамойиллар асосида янада мустаҳкамланиши Янги Ўзбекистон давлатининг барпо этилиши ҳамда III Ренессанс асосларини яратилишида ўз ҳиссасини қўшиши муқаррар.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиз — ижодкор руҳий олами у яратажак асарлар учун маълум маънода асос вазифасини бажаради. Ёзувчи онгида мавжуд бўлган ижобий ва салбий воқеалар, албатта, асарларида ҳам бўй кўрсатади. Бадиий адабиётда асар замирида муаллиф “Мен”и ётади. Бу бевосита ижодкор таржимаи ҳолига алоқадордир. Мисол учун, Ойбекнинг “Болалик” қиссасига назар ташласак, айнан шу ҳолатни пайқаймиз. Ёки, Ғафур Ғуломнинг “Шум бола” асарида ҳам маълум маънода муаллифнинг ўз қиёфасини кўришимиз мумкин.

Ҳозирги адабий жараёнда ҳам қаламкашлар ўз истеъдод намуналарини гўзал бир шаклда халққа етказишяпти. Ижод нимадан илҳомланади? Албатта, халқ донолиги ва ўғитларидан. Халқ донолиги ва турмуш манзаралари, худдики, бир ёғдуга ўхшайди. Ундан қанчалик кўп нурлансак, келажагимиз ҳам порлоқ бўлади. Ҳаётий ҳикматлар инсон тафаккурини озиклантирувчи бебаҳо озуқадир.

Яқин кунларда моҳир журналист, истеъдодли қаламкаш, шоир – Маҳмудхон Тоировнинг “Тафаккур дурдоналари” китоби кўлимга тушиб қолди. Ушбу китобда 500 дан ортиқ ибора-ю, ўғитлар келтирилган. Афоризмлар мазмун жиҳатдан анча бой ва йиллар ўтиб халқ матал ва мақолларига айланса ажаб эмас... Китобни ўқишга киришган ҳар бир инсон ҳақиқатдан ҳам, ўзини бироз тафтиш қилишга уринади. Муаллиф китобга шу кунга қадар кўрган-кечирган ва ўзи дуч келган ҳикматли сўзларини жойлаштирган. Ҳикматларнинг мавзу кўлами ҳам турлича. Асосан, Ватанга муҳаббат, буюкларга ҳурмат ва эҳтиром, дўстлик каби қадриятлар тараннум қилинади. Бу ғоялар таъсирчан оҳангда етказилсагина инсон учун тушунарли ва завқли бўлади. Зеро, таниқли немис ёзувчиси Ф.Боденштедт таъкидлаганидек, “Лўнда ҳикматли сўзлар кишиларнинг миясига сингиб қолади, илдиз отади, гуллайди, ҳосил беради ва ҳамиша таъсир кўрсатиб туради...” Маҳмудхон Тоиров ҳикматларида халқона ифор бор. Ҳикматлар шунчаки пайдо бўлмайди, у йиллар давомида сайқалланган билимлар ва ҳаётий тажрибалар, синовлар асносида туғилади. Шоирнинг “Ҳаёт битиклари” китоби ҳам айнан шу каби фалсафий мушоҳадаларга бой. “Тафаккур дурдоналари” эса “Ҳаёт битиклари”нинг изчил давоми ҳисобланади. Ҳар иккала асарда муаллиф ички дунёси ва дунёвий тафаккури тўлақонли акс этган.

Муаллиф битикларни шунчаки ёзмаган, ўзининг дастуруламалига айлантирган. Ҳаётини, умрини мана шу ҳикматлар асносида яшаб ўтишга ҳаракат қилиб келган. Дарҳақиқат, яхши нарса ҳақида тафаккур қилиш унга амал қилишга ундайди, ёмонлик ҳақида ўйлаш ундан қочишга ундайди. Чунончи, Ҳасан Басрий Ҳазратларининг “...Кимнинг каломи ҳикмат бўлмаса, у лағв (фойдасиз), кимнинг сукути тафаккур бўлмаса, у саҳв (янглиш), кимнинг назари ибрат бўлмаса, у лаҳв (ўйин)дир...” фикрлари бунинг яққол мисолидир. Маҳмудхон Тоиров ҳам ҳикматларни бутун инсониятга чорлов сифатида ёзди ва ўзи ҳам намуна кўрсатди. Ибратли ҳаёт кечиришни олий мақсад деб билди. “Тафаккур дурдоналари” китобида ижтимоий мавзулар, оилавий масалалар, дўстлик туйғулари ва бутун инсоний фазилатлар улуғланади.

Қуйида ушбу китобдан иқтибослар келтирамыз:

“Ҳар қандай ғалабанинг асосида кичик муваффақиятлар ётади”

“Ғалабани ҳам, мағлубиятни ҳам муносиб кутиб ол!”

Ҳа, ҳаёт борки, йиқилиш ва туришлардан иборат. Муҳими гўзал давом эта олиш. Чинакам муваффақият бу кўп ютуқларга эришиш эмас, балки кўп бора йиқилса-да, қайта тура билишдир. Бу қобилият фақат ва фақат кучли ирода соҳибларидагина бўлади. Мағлубиятни тўғри қарши олиш инсон руҳий тарбияси маҳсулидир. Муаллиф мана шу руҳий тарбияга урғу бермоқда.

Муаллиф қуйидаги ҳикмат орқали ўша машҳур қиссани эслатмоқчи ва шу орқали қалбимизни ҳидоятга чорламоқчи бўлади:

“Ҳавас ва ҳасад - Қобил ва Ҳобил”.

Риёкорлиги сабаб ўз инисининг ўлимига сабаб бўлган Қобил бу жумлада “ҳасад” тимсолидир. Ояти Карималарда Қобил

инисига қарата: “Сени ўлдирурман” дея қасам ичганида, Ҳобил “мен ҳам бировни ўлдиришдан тийилишга қасам ичурман” дея жавоб беради. Бу Ҳобилдаги юксак иймон нишонаси эди. Тадаббур қилиб кўрган инсон бу қиссадан кўпгина ҳикмат ва ибратлар олиши шубҳасиз.

Азалдан дўстлик ва рақиблик бир-бирига зид тушунчалар бўлиб келмоқда. Бадий асарларда ҳам кўпгина тимсоллар учрайди. Бу эса дўстлик анъанавий мавзу бўлиб қолганидан даракдир. Маҳмудхон Тоиров ҳам дўстликни ардоқлайдиган инсонлардан. “Тафаккур дурдоналари” тўпламига бу туйғуга алоқадор ўнлаб ҳикматли сўзларни жамлаган:

“Дўст ёнингда, душман қаршингда тургани афзал”

“Дўст ниқобини кийган душмандан кўрқ”

“Дўстинг душманга айланса ажабланма, душманинг дўст бўлса ажаблан!”

Бу фикрларнинг ташувчи ғояси бир хил. Яъни, жондан ортиқ кўрган дўстимиз кун келиб душман бўлса-да, у бизга чинакам маънодаги рақиб бўлолмайди. Аллоҳ наздида дўстлик улуг бир ибодатдир. У дўстлар қалбига шундай бир ришта жойлаб қўйганки, буни ҳар икки томон ҳам рад этолмайди. Аммо, душман бўлганларимиз кун келиб дўстлик ниқобини кийса, бу ҳолатдан кўрқиш керак. Чинакам рақиб бизга самимий дўст бўлолмайди, ғаразли мақсади учун дўстлик ниқобида кўриниши мумкин холос. Муаллиф бу ҳолатда эҳтиёркорлик лозим демоқда.

“Аёллар дардини мўжазгина дастрўмолдан бошқа ҳеч нарса кўтара олмаса керак”

Ушбу мисралар мени жуда тўлқинлан-

тириб юборди...Ҳикматлар орасидан жой олган ушбу жумлани ўқир эканмиз, муаллифнинг нақадар ҳалим шахсият соҳиби эканлигини англаймиз. Дарҳақиқат, аёл Аллоҳнинг икромии, файзидир. Аёлга эҳтиром кўрсатиш эса муҳим тадбиқий одобларни назарда тутати. Ҳақиқатан ҳам, аёл дардини кимса билишини хоҳламайди, ички хаёлотини остун-устун бир ҳолда бўлса-да, тунлари юм-юм йиғлаб, ой ила сирдош, дастрўмоли ила йўлдош бўлса-да, буларни табассумлар ортига яшира олади. Аллоҳ, аёлни шундай куч ва матонат соҳиби қилиб яратмиш... Маҳмудхон Тоиров бу фикрлари орқали аёлни эъзозлашни шу жумлалар тубига сингдиради. Битикларда оила, эркак ва аёл (ўзбек аёли тимсолида) муносабатларига алоҳида боб ажратилади.

“Ҳамманинг устози — аввало ота-онадир”

Аллоҳ руҳга жон ато қилгач ҳар бир бандасини ерга тушурурган. Кейин бандага қарата: “Сени ерда ота-она деб аталмиш фаришталар ҳимоя қилади” дер экан. Ҳақиқатан, ота-онамиз илк устозимиздир. Улар йўл кўрсатувчи ойдинларимиз, йиқилсак суянгувчиларимиз, эзилсак юпатгувчиларимиз...

Маҳмудхон Тоиров ҳам адабиётга, санъатга қизиқишни дастлаб оиласидан олган. Унинг ҳам илк устозлари — ота-онаси адабиёт ихлосмандлари бўлишган ва бу оташ парчаси Маҳмудхон Тоиров қалбига тушган. Йилларки, мана шу оташ ичра яшаб келмоқда. Маҳмудхон Тоиров суҳбатлар давомида ота-онаси сабаб адабиёт гулшанига кириб келганлигини кўп бора таъкидлаган.

Шоир кейинги жумла орқали умрнинг ўткинчилиги, дунёнинг бевафолигига ишора қилади.

“Пишган меванинг ерга тўкилишдан бошқа иложиси ҳам йўқ.”

Бу ерда “пишган мева” тимсоли орқали муаллиф умри охирлаб борган “қария” ни назарда тутаяди, “ерга тўкилмоқ” ибораси эса, мурданинг ўлимдан кейинги ҳолати, яъни, тупроққа қоришувини ифодаламақда. Зеро, дунёдаги ҳар бир тирикжон ўлимни тотгусидир. Дунёдаги ҳеч бир нарса муқим тургувчи эмас. Яъни, ибтидонинг интиҳоси-да бор. Юқорида таъкидлаганимиздек, Маҳмудхон Тоиров фақат шоир эмас, балки етук фалсафа ва тафаккурий мушоҳада соҳиби ҳамдир.

“Тафаккур дурдоналари” асарига сўзбоши ва сўнгсўз сифатида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира Шукуржон Жаббарова (Жозиба)нинг Маҳмудхон Тоиров шахсияти ва ижод олами хусусидаги самимий фикрлари келтирилган. “...Ижод бўстони кенг. Кенг қалблиларга маскан бўлган бу оламда Маҳмудхон Тоировнинг “Тафаккур дурдоналари” китобига ҳам муносиб ўрин бор. Бу ташриф муборак, бу ташриф муҳлиси олий ва олияларга саодатли бўлсин” дейди шоира қутлов тариқасида. Шукуржон Жаббарова ўзининг “Кўнгил денгизидаги марваридлар” туркумини таниқли журналист, публицист, шоир Маҳмудхон Тоировга бағишлайди. Бу китобда шоира Маҳмудхон Тоиров шахсиятига, қолаверса, ижодий оламига оид фикр-мулоҳазаларини келтиради.

“...Маҳмудхон аканинг “Бахт” шеъридаги сатрлар инсон қалбининг тилаги бўлиб янграйди:

Бахт излар одамзод бир умр бўйи,

Олисга етаклар хаёлот ўйи.

**Тинмайин излайди уни ҳар жойдан,
Топмоқ бўлар гоҳо, самодан, ойдан”.**

Назаримда бахтнинг талқини ҳар

биримизнинг хаёлимизда ҳар хил кўриниш касб этади”, — дейди шоира ушбу мисраларнинг таҳлили ўлароқ.

“Тафаккур дурдоналари” китоби сўнггида билдирилган фикр-мулоҳазалар шоир ижодининг серқирра ва ҳурматга сазовор эканининг тасдиғидир. Жумладан, Сурайё Аҳмедова, Абдуғани Абдураззоқов, Ойгул Суюндиқова, Собир Қурбонов, Чоршам Рўзиев, Бобур Бобомурод, Нуруллоҳ Остон ва Шукуржон Жаббарова (Жозиба) каби адабиёт ихлосмандлари шоир Тоиров Маҳмудхон ижодий оламини холисона баҳолашган.

Маҳмудхон Тоиров инсон маънавиятининг калити илм ва маърифат эгалламоқ эканини уқтиради. Китобнинг инсон ҳаётидаги ўрнига тўхталиб ўтади. Зеро, ўқимаган киши учун ҳеч бир китоб ёзилмаганидек, тингламаган киши учун ҳеч бир насиҳат айтилмагани билан баробардир. “Узоқ сафарга отланасанми, ёки бу фоний дунё билан видолашасанми, ортингдан кузатиб қолсинлар...” Ҳа, бу фикрлар Маҳмудхон Тоировнинг ҳаётий кўроли эди. Яъни, қанча яшашимиз муҳим эмас, қандай яшашимиз муҳим. Инсондан эзгу ном ва эзгу амаллар қолажак. Шоир эътирофи билан айтсак, “Маънисиз ҳаёт кечирган одам — мурда билан тенгдир”.

“Тафаккур дурдоналари” асари мен учун ғоят олий бир туҳфа бўлди. Китобда шунақанги лўнда ҳикматли сўзлар, мақоллар борки, кишини тўсатдан мушоҳадага чорлайди. Агарда бундай ўғитларга бутун инсоният ишониб амал қилмаганида эди, улар даврлар оша бизгача ўтиб келмасди. Ишонаманки, Маҳмудхон Тоировнинг “Тафаккур дурдоналари” китобидан жой олган ҳар битта ҳикматли сўз бугунги кунда биз учун ва биздан кейинги келажак авлод учун сабоқ мактаби бўла олади. Ҳар куни ақалли битта ҳикматли сўзни ўқиб унга амал қилсак, умримиз давомида қанча ҳикмат ва амал соҳиби бўламиз, бу гўзал бир саодат эмасми, ахир?

ЎЗБЕКИСТОН ҚЎРИҚХОНАЛАРИ



Республикада ҳозирда жами 8 та қўриқхона ва 2 та миллий боғ мавжуд.

Хисор давлат қўриқхонаси Қашқадарё вилоятида жойлашган бўлиб, қўриқхона 1983 йилда ташкил қилинган. Умумий майдони 80986 гектарни ташкил қилади. Бу қўриқхонанинг аксарият қисми арчадан иборат. Хисор қўриқхонаси ҳудудида ўсимликларнинг 870 дан ортиғи ўрганилган ва бу ўсимликлар ичида Ўзбекистон Қизил китобига кирган 38 тури мавжуд. Ушбу қўриқхона ҳайвонот дунёсини ўз ичига олиб ушбу ҳайвонлар ичида Қизил китобга киритилган ҳайвон ва қушлар мавжуд.



Сурхон давлат қўриқхонаси Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманида жойлашган бўлиб, 1986 йилда ташкил қилинган. Умумий майдони 23802,38 гектарни ташкил қилади. Сурхон давлат қўриқхонаси кўплаб доимий ва вақтинчалик оқар сув манбаларига эга бўлиб, улар кўпгина кичик сой ва жилғалардан иборат. Бу қўриқхона ўзининг чиройли табиати

ва шаршаралари билан ажралиб туради. Бу қўриқхонада Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган 41 та ўсимлик ва 8 тур ҳайвонлари учрайди.



Китоб давлат қўриқхонаси 1979 ташкил этилган бўлиб, умумий ер майдони 3938 гектарни ташкил қилади. Қўриқхона Қашқадарё вилояти Китоб туманида жойлашган. Бу қўриқхонанинг асосий мақсади юртимиз табиатида учрайдиган нодир ёдгорликларни қайта ишлаш ва илмий тадқиқот базасини шакллантиришдан иборат. Ушбу қўриқхонада водийдан бошланиб, ундан турли томонларга оқувчи Қорасув ва Ширдарсой дарёлари оқиб ўтади. Мазкур унчалик катта бўлмаган қўриқхона ҳудудида 800 турдан ортиқ юксак ўсимликлар мавжуд.

Зарафшон давлат қўриқхонаси 1975 йили ташкил қилинган. Ер майдони 2352 гектар майдонни ташкил қилади. Зарафшон қўриқхонасининг асосий мақсади Республикада йўқолиб бораётган популяциясини тиклаш ва сақлаш, бошқа қуш ва ҳайвонлар турларини муҳофоза қилишдан иборат. Ушбу қўриқхонада 1995 йилдан Бухоро буғусини кўпайтириш ишлари олиб борилмоқда. Ҳозирги пайтда 20 дан ортиқ буғулар истиқомат қилади.

Нурота “Ёнғоқлисой” давлат Қўриқхонаси 1975 йилда ташкил топган, умумий ер майдони 17752 гектарни ташкил қилади. Қўриқхона Жиззах вилоятининг



ғарбий қисмида Навоий ва Самарқанд вилоятлари чегарасида жойлашган. Қўриқхона ҳудудида 76 оилагага мансуб 815 турдаги юксак ўсимликлар топилган, улардан 35 та ўсимлик Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган.



Зомин тоғ-арча Қўриқхонаси Жиззах вилоятининг Зомин ва Бахмал туманларида жойлашган. Қўриқхона 1928 йилда ташкил топган. Умумий ер майдони 26840 гектарни ташкил қилади. Унинг 3 дан 2 қисми ўрмон билан қопланган.

Қизилқум давлат қўриқхонаси 1971 йилда ташкил топган. Айти пайтда қўриқхонанинг умумий майдони 10311 гектарни ташкил қилади. Қўриқхонанинг 5338 гектари ўрмон билан қопланган. Ушбу қўриқхона ҳам ўзининг биохилмахиллиги билан ажралиб туради ва кўплаб ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини ўз ичига олади.

Чўтқўл давлат биосфера қўриқхонаси 1947 йилда Тошкент вилоятининг Паркент ва Бўстонлиқ туманларида ташкил қилинган. Ғарбий Тянь-Шань Чўтқўл тизматўғларининг ғарбий ва шимолий ён бағирларида жойлашган. Ушбу қўриқхонанинг умумий ер майдони 35724 гектарни ташкил қилади. Юнесконинг 1993 йил 15 февралдаги қарорига биноан қўриқхонага биосфера қўриқхонаси мақоми берилган.

Миллий табиий боғларимиз. Миллий боғларнинг асосий мақсади, илмий ва маданий мақсадлардаги табиий объект ва мажмуаларни асраш ҳамда фойдаланишга қаратилган.

Зомин миллий боғи 1976 йилда ташкил этилган. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги тасарруфига киради, у Жиззах вилоятида. Умумий ер майдони 24110 гектарни ташкил этиб, 16828 гектари ўрмон билан қопланган. Боғнинг шарқий қисми Тожикистон билан чегарадош. Боғда 700 тур ўсимлик, шундан 13 тури Қизил китобга киритилган, ҳайвонлардан 153 тури мавжуд.

Угам-чотқол давлат табиат миллий боғи 1990 йилда ташкил этилган. Тошкент вилоятида жойлашган. Умумий ер майдони 5740 гектарни ташкил қилади. Ушбу боғда 1000 дан ортиқ ўсимлик дунёси ва 550 дан ортиқ ҳайвонлар тури мавжуд.

(Интернетдан олинди.)

ИЗОҲЛИ ЛУҒАТ ВА ТУШУНЧАЛАР

Аграр инқирозлар (аграр таназуллар, аграр кризислар) — 1. Қишлоқ хўжалиги циклик ривожланиши фазаларидан бири бўлиб, у шу соҳа маҳсулотларининг касод ҳолатини ифодалайди. Аграр инқирозлар бошқа соҳа инқирозларига нисбатан камроқ такрорланиши ва узоқроқ давом этиши билан фарқланади; 2. Қишлоқ хўжалигида рўй берадиган иқтисодий инқирозлар бўлиб, циклик тавсифга эга бўлмайди ва саноат цикллариغا қараганда анча узоқ давр давом этади.

Аграр ислоҳот (лот.) — ер сувга эгалик қилиш учун вужудга келган ишлаб чиқариш ва иқтисодий муносабатларни давлат томонидан ўзгартириш усули. Аграр ислоҳотнинг ўтказилиши мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий ривожланишига бўлган эҳтиёжлар тақозоси ҳисобланади.

Аграр муносабатлар — 1. ер билан боғлиқ иқтисодий муносабатлардир; 2. ерга эгалик қилиш, тасарруф этиш, ундан фойдаланиш ва ишлаб чиқариш натижаларини ўзлаштириш жараёнида вужудга келадиган муносабатлар; 3. А.м. — ерга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш билан боғлиқ бўлган муносабатлардан иборат; 4. А.м. — ерга эга бўлиш ва ердан фойдаланиш характери билан белгаланадиган қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқариш муносабатларини жамият ишлаб чиқарувчи кучларининг ривожланиши муқаррар равишда ижтимоий ишлаб чиқариш муносабатларининг, шу билан бир қаторда А.м. ўзгаришига олиб келади; 5. А.м. — иқтисодий

ресурс сифатида ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш борасидаги кишилар ўртасидаги иқтисодий алоқалар. Бундай муносабатларнинг объекти ер, субъекти эса унга эгалик қилувчи ер эгалари, ижарачи соҳибкорлар, ёлланма ишчилар, давлат ва ҳоказолар.

Аграр сиёсат — давлатнинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги фаолияти бўлиб, у қишлоқ хўжалигини, ер мулкчилигини ва ҳоказоларни ривожлантириш йўллари масалаларни ҳал қилишга қаратилган иқтисодий сиёсатнинг бир тури.

Агробизнес — деганда: қишлоқ хўжалигидаги бизнес тушунилади; Кенг маънода, бунга қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи бизнес турлари киради; 2. А. — қишлоқ хўжалиги соҳасидаги бизнесдир, у бозор тизимини таркибий қисмини ташкил этади. Бунда қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бизнес турлари киради; 3. А. — тадбиркорлик фаолиятининг қишлоқ хўжалиги ва у билан боғлиқ соҳалардаги намоён бўлиш шакли; 4. А. — ресурс сифатида ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш борасидаги тадбиркорлик.

Агрофирма — муайян турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ва уни саноат асосида қайта ишлайдиган корхонадан иборат.

Иқтисодиёт (изоҳли луғат ва тушунчалар),
“Сурхон-Нашр нашриёти, 2015 й.



DUNYONING ENG G'AYRIODDIY O'SIMLIKLARI

“VICTORIA AMOZONICA”



Bu dunyodagi eng ajoyib va g'ayrioddiy suv nilufaridir. O'simlik barglarining diametri ikki metrga etadi. Ular shu qadar kattaki, ular 80 kg vaznga bardosh bera oladi. Ushbu suv zambaklaridagi gullar juda chiroyli va Viktoriya Amazon issiqxonalar va botanika bog'larining eng mashhur va g'ayrioddiy o'simlikidir.»



“Yorqin chiziq” (Oq Egret gullari)

Radius - bu Xitoy, Yaponiya, Koreya va Rossiya uchun endemik bo'lgan orkide turidir. Gul oq kaptarga o'xshaydi, lekin uni Shimoliy Amerika turlaridan bo'lgan «Platanthera praeclara» turining oq qirrali orkide bilan aralashtirib yubormaslik

kerak.

“Raqsga tushgan qizlar» (Impatiens Bequaertii)

Ikkala raqsga tushgan qizga o'xshab



ko'rinadigan narsa, Impatiens Bequaertii turlarining juda kam uchraydigan gullari, Impatiens jinsining 1000 turidan biri - shimoliy yarim shar va tropikada keng tarqalgan gullaydigan o'simliklar.

“Skelet gullari”



Ilmiy ravishda «Diphylleia greyi» deb nomlanuvchi bifoliya zaytun oilasiga kiradi (Berberidaceae). Bu kichik o'simlik, yomg'ir paytida paydo bo'ladigan oq barglari uchun diqqatga sazovordir. Quriganidan keyin ular yana oq rangga aylanishadi.»

“Murabbo tomdirilgan momiq”



Gidnellum Pek, ilmiy nomga ega bu g'alati zamburug' odamlarga qanday taassurotlarni keltirib chiqarmaydi, deysiz. Uni murabbo tomgan saqich, o'rmon hayvonining qoni sachragan paxta, hatto ehtiyotsizlik bilan ustiga qalin sirop quyilgan oddiy qo'ziqorin ham deyishadi. Bu "ko'rkamlik" haqiqiy qulupnay hidini tarqatadi. Zamburug' beparvolik tufayli uning yonidan o'tib ketayotgan kichik hasharotlar bilan oziqlanishga qodir, qizil tomchilari esa o'ta yopishqoq. Gidnellum Pek odamlar uchun zararsiz, u rezinaga o'xshashligi sababli yeyiladigan hech narsasi yo'q. Aytgancha, bu qo'ziqorin mo'tadil mintaqalarda juda yaxshi o'sadi.

“Hasharotxo'r Venerina”



Hasharotxo'r Venerinaning tabiiy yashash joyi Amerika. Lekin uy sharoitida bu o'simlikni xavfsiz o'stirish imkoni borligi tufayli u barchaga tanish.

Bu jonivor barglari bilan hasharotlarni tutib, keyin xotirjam ularni hazm qilishga qodir. Qopqon gul oxiridagi paychalar teginilishi bilan ishga tushadi. Hatto eng ko'rinmas tuki ham tebranishlarni sezadi va agar siz ikki yoki undan ortiq paychalarga tegsangiz, o'simlik yarim soniya ichida o'z tavaqalarini siqib qo'yadi.

Raffleziya - o'lik gul. Biologlar bu gulni XIX asrda Indoneziya orollaridagi sayohat paytida topdilar. Ularni uning kattaligi va dahshatli ko'rinishi emas, balki o'simlikdan tarqaladigan dahshatli badbo'y hid hayratda qoldirdi.



Keyinchalik Raffleziya sof parazit ekanligi ma'lum bo'ldi. O'simlikning ildizi ham, poyasi ham yo'q. Faqat diametri bir metrdan oshib ketadigan beshta go'shtli barglari bo'lgan ulkan gul o'rmonda o'sadigan chirmoviq o'simliklarning ayrim turlariga parazitlik qiladi. O'simlik chiqaradigan o'lik hid uning ko'payish mexanizmlaridan biridir. Badbo'y hidga g'izillab to'plangan go'ng chivinlari

Raffleziyani changlatib, shu bilan uning yashash joyini kengaytiradi.

“Iboli mimoza”



Uy sharoitida osongina o‘stiriladigan bu gulga qarab, o‘simliklarning asab tizimi borligiga chindan ham ishonish mumkin. Mimosaning qatlamli barglariga teginishingiz bilan, ular go‘yo begona odamdan xijolat tortayotgandek, darhol qisqaradi.

Biologlarga ma‘lum bu holat o‘ziga xos himoya mexanizmi deb ishoniladi – albatta, har bir jonzo kutilmagan harakatdan qo‘rqadi. Uyatchan mimoza nafaqat chaqirilmagan mehmonni qo‘rqitishi mumkin, balki zaharlidir. U o‘z kavakchalaridan vodorod sulfidini chiqaradi.

Mansinel– dunyodagi eng zaharli daraxt

Bubegunohginako‘rinadigan “olma” o‘sadigan joylarda qizil tasma bog‘lanib, ogohlantiruvchi belgilar o‘rnatilgani bejiz emas. Mansinel daraxti sayyoradagi eng zaharli daraxt sifatida tanilgan. Unda mutlaqo hamma narsa xavflidir – barglari terida pufakchalar qoldirib kuydiradigan sharbat chiqaradi, yashil olmachalarini iste‘mol qilgan odam to‘g‘ri reanimatsiyaga yuboriladi. Hatto uning

o‘tini yoqilsa, tutuni nafas olishni qiyinlashtirib, vaqtinchalik ko‘rlikka olib kelishi mumkin.



16 metr balandlikkacha yetadigan daraxt juda zich shox-shabbaga ega, uning ostida yomg‘irdan yashirinish juda qulay. Lekin hech qanday holatda buni qilmaslik kerak – barglaridan oqib chiqadigan yomg‘ir suvi kislotaga o‘xshaydi va kiyimni osongina o‘yib tashlab, terida kuchli kuyish qoldiradi.

Dunyoda turlari va xususiyatlari bilan ajablantiradigan ko‘plab o‘simliklar bor. Hatto bizga odatiy bo‘lib ko‘rinadigan mevalar va ba‘zi ziravorlar tasavvur qilganimizdan butunlay boshqacha tarzda yetishtiriladi.

Masalan, mana bu suratdagi bizga jahl bilan qarab turgan qiyofachalar bo‘lajak keshyu-hind yong‘oqlaridir.



Jo‘rabek Sirojiddinov

Jurnal har chorakda bir marta chop etiladi.

Muassislar:

- O'zbekiston Fermer, dehqon xo'jaliklari va tomorqa yer egalari kengashi,
- Tadbirkorlik va fermerlikni qo'llab-quvvatlash markazi
- "Kafolat servis" MChJ

Nashr

O'zbekiston Respublikasi
Oliy attestatsiya komissiyasi
Rayosatining
2020-yil 31-dekabrda
290/10-sonli qarori bilan
Oliy attestatsiya komissiyasining ilmiy
jurnallar ro'yxatiga olingan.

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar
muallifga qaytarilmaydi.

ISSN 2010-9024

Nashr indeksi: 1123

Tahririyat manzili:
100140, Toshkent shahar,
Nukus ko'chasi 77-uy
Tel/faks: +99895 195-52-52.
Tel: +99897 480-34-82.

Jurnal "Agro Biznes Inform"
MChJ kompyuter markazida
sahifalandi.

Chop etildi: 31.06.2023-yil.

Guvohnoma raqami: №990721
2021-yil 17-mayda berilgan.

Qog'oz bichimi: 60x84 1/8.

Buyurtma № 02.
Adadi: 1100 nusxa.

Баҳоси келишилган нархда.

Manzil: Toshkent shahar,
Nukus ko'chasi, 77-uy.

Нашрни тайёрлашда ЎЗА ва интернет
материалларидан фойдаланилди.

MUNDARIJA

Табрик	2
И. Сафаров. Қозоғистон чиқишни истаётган келишув ва Ўзбекистон учун кутилмалар	4
Халқаро қишлоқ хўжалиги университети (international agriculture university - iau)	6
Н. Раҳматов. Истиқболли буғдой навларини етиштириш йўлида	8
Жозиба. Мовий денгизимнинг иккинчи умри	10
Ғ. А. Ashurova. So'z o'zlashtirishning lug'at boyligiga ta'siri: salbiy va ijobiy natijalar	12
Н. З. Мамедова. Язык предков, язык поколения - государственный язык	14
И. Туев. Arbitrlarni tanlash, tayinlash va rad etish asoslari	16
Иссиқхона экинлари зарарли организмларига қарши кураш.....	20
Н. Тоиров. Ўтмишга саёҳат	23
Муҳаммад Али. Эй, юзлари нондай иссиқ, азизлар!	26
А. Мўмин. Гўзал табиатга ҳайратни асранг!	28
А. Тоиров. Қинабек отани унутмоқ осонмас.....	31
Қ. Йўлдошева. Bir tarix, millon taqdir.....	33
С. Рустамов. "Тафаккур дурдоналари"	37
Қ. Йўлдошева. Ҳикматга йўғрилган ҳаёт	38
Ўзбекистон қўриқхоналари	42
Изоҳли луғат ва тушунчалар	44
Dunyoning eng g'ayrioddiy o'simliklari	45